БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 45 (19.421). • 1986 йил 22 февраль, шанба • Баҳоси 3 тийин.

Мукофотлар топширилди

1985 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажарганлиги, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби — Самарқанд область, Пастдарғом районидаги «Пастдарғом» совхозига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йилликда юксак самарадорлик ва иш сифати учун» эсдалик нишони топширилди.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанлиги учун Фарғона область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасига, Самарқанд область қишлоқ хўжалигига агрохимия хизмати кўрсатиш Булунғур районларо ишлаб чиқариш бирлашмасига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари топширилди.

(ЎзТАГ).

Меҳнат рапортлари

ЛАФЗГА ЯРАША

«КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик!» шиори остида социалистик мусобақага қўшилган Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Аммиак—3» цехи коллективи партия олий анжуманн шарафига оширилган мажбуриятлар қабул қилган эди. Цех коллективи съезд очилишига бир ҳафта қолганда эммага олинган мажбуриятлар бажарилгани ҳақида рапорт берди — 2 ойлик план шараф билан уддаланди.

Орадан бир кун ўтгач, яна бир хушхабар қанот қоқди. Цех фойдаланишга топширилгандан буён бу ерда 1 миллиониничи тонна аммиак ишлаб чиқарилди. Ушбу шарафли вазифани В. Полузктов раҳбарлигидаги смена аъзоларн амалга оширдилар.

Ғолиб коллектив аъзолари съезд очиладиган кунгача яна 8 минг тонна аммиак ишлаб чиқаришга аҳд қилишди.

Эришилган ютуққа катта оператор Н. Титов, операторлар — А. Зарипов, Н. Толипова, В. Валишев, С. Ашурбеков муносиб улуш қўшдилар.

А. ЭРГАШЕВ,
«Химик» кўп тиражли газетаси редактори.

КЎКЛАМГА ШАЙ

КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган Чиноз райони механизаторлари баҳорги экиш мавсумида ишлатиладиган техника воситаларини сифатли ремонтдан чиқардилар.

152 та чигит ва маккажўхори экиш сеялкалари, 756 комплект борона, 21 та планировщик, 160 та чопиқ трактори ва бошқа машина ҳамда механизмлар мавсумга тайёрлаб қўйилди.

Бу муваффақиятга Охунбобоев номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», Навоий номли колхозларнинг механизаторлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Айни кунларда район пахтакорлари ариқ-зовурларни тозалаш, далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ишларини уюшқоқлик билан давом эттиришмоқда.

Т. ТУҚЛИБОЕВ.

АГРОХИМИКЛАР ТАЖРИБАЛАРИНИ БАҲАМ КЎРМОҚДАЛАР

Андижон областида қишлоқ хўжалигига агрохимия хизмати кўрсатишни яхшилаш масалаларига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди. Кенгашда иштирок этган область агросаноат бирлашмалари раисларининг ўринбосарлари, «Ўзсельхозхимия» бўлинмаларининг раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар тажрибаларини баҳам кўрдилар, агрохимия хизмати кўрсатишнинг илғор методлари билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ — ПАРТИЯГА, ВАТАНГА!

ИНСОН БАХТ-САОДАТИ УЧУН

Партия халқ учун яшайди, халққа хизмат қилишни ўз фаолиятининг мазмуни, деб билади. У ўзининг кўп қиррали фаолиятида ҳамиша совет кишиларининг орзу-умидларини, туб манфаатларини ифодалайди. Социализм байроғига «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» деган сўзлар ёзиб қўйилган. Гарантияланган меҳнат қилиш ҳуқуқи ва унга адолат билан ҳақ тўлаш, инсон туғилгандан то кексайгунга қадар жамият унинг тўғрисида ғамхўрлик қилиши, маънавий маданиятдан кенг баҳраманд бўлиш, шахснинг қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, меҳнаткашларнинг давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини муттасил кенгайтириб бориш — буларнинг ҳаммаси барча нарсани инсон учун, унинг бахт-саодати учун хизмат қилдириш натижасида қарор топган социалистик тўрмуш тарзимизнинг доимий бойликлари, ажралмас белгиларидир.

Лекин ҳаёт, унинг жўшқинлиги бундан буён жиддий ўзгаришлар ва қайта қуришларни, ғоят кенг маънода айтганда, жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришиш зарурлигини тақозо этмоқда. Ана шу зарурат КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн иккинчи беш йиллик ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларида ўзининг муносиб ифодасини топган. Партиямиз совет кишиларининг фаровонлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, моддий, социал ва маданий неъматларни истеъмол қилишнинг шундай даражаси ва структурасини таъминлаш вазифасини ўртага қўймоқдаки, булар уйғун тарзда ривожланган, маънавий баркамол шахсни камол топтириш, совет кишиларининг қобилиятлари, истеъдодлари ва талантларини жамият манфаатлари йўлида мумкин қадар тўлароқ рўёбга чиқариш учун зарур шароит яратиб бериш мақсадларига энг кўп даражада жавоб беради.

Социал соҳадаги бу олижаноб вазифани амалга оширишда ўн иккинчи беш йиллик ва 2000 йилгача бўлган давр масъулиятли босқич ҳисобланади. Яқин ўн беш йил ичида халқ эҳтиёжларини қондиришга сарфланадиган ресурслар ҳажмини икки баравар кўпайтириш мўлжалланмоқда. Аҳолининг халқ истеъмол қиладиган юқори сифатли ва хилма-хил товарларга—озиқ-овқат маҳсулотлари, сифатли ва чиройли уст-бош, пойабзал, мебель, маданий моллар, мураккаб маиший техника ҳамда уй-рўзғор буюмларига тез ўсиб бораётган эҳтиёжини тўла қондириш тадбирлари кўриладн. Уй-жой проблемасини ҳал этиш жадаллаштирилади: ҳар бир совет оиласи 2000 йилга бориб алоҳида уй-жойга — квартира ёки шахсий уйга амалда эга бўлиши мақсади кўзланмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда беш йиллик давомида 500 минг оила янги квартиралар ва уйларга кўчиб киради.

Халқ хўжалигининг барча жабҳаларида меҳнат шароитларини яхшилаш, қўл меҳнати улушини камайтириш, меҳнатнинг ижодий мазмунини ва коллектив характерини кучайтириш, юқори малакали ва юқори маҳсулли, сифатли ҳамда тежамли меҳнатни муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилади. Партиямиз кўпг миқёсли социал программани оғишмай амалга ошира бориб, айни пайтда меҳнатсиз даромадларни, социалистик тақсимот принципларидан ҳар қандай чекинишларни, даромадлар ва неъматларни қайта тақсимлашнинг ғайриижтимоий формаларини, текинхўрликни, чайқовчиликни тағ-туғи билан тамомила тугатишга принципиал аҳамият беради. Шунингдек, савдо ва умумий овқатланишни ривожлантириш, хизмат кўрсатишнинг юксак даражада ривожланган замонавий соҳасини вужудга келтириш, совет кишилари соғлиғини мустаҳкамлаш, уларнинг активлигини умрини узайтириш, оила тўғрисида ва оналар ҳақида ғамхўрликни янада кучайтириш бораларида самарали ишлар қилинмоқда.

Аҳолининг пул даромадлари кўпайишини ҳисобга олган ҳолда республикада чакана товар оборотини 20 процент орттириш, гўшт ва сут маҳсулотлари, тухум, балиқ, мева-сабзавот сотишни кўпайтириш ҳисобига аҳолининг овқатланиш структурасини яхшилаш режалаштирилмоқда. Беш йиллик охирига бориб иш жойларида умумий овқатланишга бўлган эҳтиёж тўла-тўкис қондириладн. Янги беш йилликда республикада 23 минг ўринли касалхоналар, 45 минг беморни қабул қиладиган поликлиникалар фойдаланишга топширилади.

Бироқ меҳнаткашларга ҳамиша ғамхўр бўлишда талаб-эҳтиёжлардан орқада қолиш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланмаслик, масъулиятни чўқур ҳис этмаслик, кам ҳафсалаплилик каби жиддий камчиликлар бор. Уларни ишчанлик билан бартараф этмай туриб, партия ва ҳукуматимиз социал соҳада мўлжалланган катта тадбирлар ижтимоий ҳаётда инсон омилини активлаштиришга тўла кўмаклашишига эришиб бўлмайди. Ўзбекистон Компартияси XXI съездида бундай камчиликлар рўй-рост очиб ташланди.

Республикада уй-жой ва аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш проблемаси долзарблигича қолмоқда. Уй-жойлар қуриш планлари, айниқса Жиззах, Қашқадарё, Тошкент областларида ва Тошкент шаҳрида сурункасига барбод этилмоқда, ўтган беш йилликда республикада салкам 7 мингта квартира кам қуриб берилди, квартираларни тақсимлаш тартибида бузилишларга йўл қўйилди. Ёғлиқни сақлаш ишида нуқсонлар кўп, беморларга нисбатан тошбағирлик ва эътиборсизлик, врачлик ахлоқ-одобини бузиш, таъмагирлик ва порахўрлик ҳоллари учраб туради. Қишлоқ аҳоли пунктларининг талайгина қисмида соғлиқни сақлаш муассасалари йўқ. Қорақалпоғистон АССР, Навоий ва Хоразм областларининг қишлоқларида ободонлаштириш ишлари суст. Савдода ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишда, болалар муассасаларн ва мактабгача тарбия муассасаларн билан таъминланишда, аҳоли пунктларининг водопровод ва канализацияга бўлган эҳтиёжларни қондиришда талай камчиликлар бор.

Одамларнинг эҳтиёжларига етарлича эътибор берилмаётгани, социал-маданий қурилишга ажратилган маблағлар ўзлаштирилиши устидан назоратни ташкил эта билмаслик, социал масалалар вақтида ҳал этилиши учун кадрларга талабчанликнинг йўқлиги юқорида тилга олинган ва бошқа камчиликларга сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Компартияси XXI съездида социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишда фақат давлат капитал маблағларн ва ресурсларигагина умид боғлаш нотўғри эканлиги жуда тўғри кўрсатиб ўтилди. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир районда, ҳар бир меҳнат коллективида одамларнинг турмуш ва иш шароитларини яхшилаш учун каттагина резерв, имкониятлар мавжудки, улардан оқилона, самарали фойдаланиш даркор.

Пухта ишлаб чиқилган ва ҳозирданоқ, яъни ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилидан амалга оширишга киришилган социал программа мамлакат тараққиётини жадаллаштириш, оммаинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини ошириш, янги кишини камолга етказиш ҳамда социалистик турмуш тарзини қарор топтиришнинг қудратли воситаси бўлади. У ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар, барча миллат ва элатлар, ҳар бир совет оиласи манфаатларига жавоб беради. Шунинг учун ҳам КПСС меҳнат, турмуш, маданиятга оид социал масалаларни зайсалга солмай ҳал этиш, кишиларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини қондириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиб боришни партия ташкилотлари фаолиятининг, барча давлат ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари фаолиятининг қонуни деб ҳисоблайди.

Партиямиз XXVII съезди белгилаб берадиган мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштириш программасини муваффақиятли бажариб, жамиятимизнинг янги сифат ҳолатига эришиш ҳар биримиздан меҳнат бурчимизни виждонан, ҳалол, унумли бажаришни, онглилик ва интизом намунасини кўрсатишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ғайрат-шижоат кўрсатиш, ташаббускор бўлиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва сифат учун кураш кундалик иш мезонига айланиши керак.

• *Съезд делегатлари*

МУНОСИБ АРМУҒОН

Жўрахон ўрта мактабни битиргач, кўпчилик тенгдошлари каби қайси касбни танласам экан, деб кўп ўйланиб ўтирмади. Унинг онаси фермада сут соғувчи, отаси молбоқар бўлиб ишлашарди. Зийрак қиз ўқишдан бўш вақтларида бу ерга тез-тез келар, ота-онасига кўмаклашарди. Кейинчалик бу юмушларга шунчалик ўрганиб қолдики, келажагини фермасиз тасаввур қилолмай қолди. Шу сабабли етуклик аттестатини олди-ю фермага ишга келди.

Анча кўзи пишиб қолган қизга бир неча бош соғин сигир ажратиб берилди. Орзусига эришган ёш сут соғувчи мустақиллик масъулиятини ҳис қилиб, ғайрат кўрсатиб ишлади. Билмаганларини онаси, отасидан ўрганди. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ меҳнат қилиш унинг кундалик шиорига айланди. Меҳр билан парвариш қилинган говмишлар кун сайин сутини кўпайтира борди. Натижада қисқа муддатда у хўжаликнинг энг пешқадам сут соғувчилари қаторидан ўрин олди. Мана бир неча йилдирки Жўрахон Эрмонқуловнинг номи Балиқчи районидаги «Партия XXV съезди» колхозида эўр ҳурмат, фахр-ифтихор билан тилга олинади.

Пешқадам сут соғувчи ҳалол меҳнати, ташаббускорлиги, тадбиркорлиги туфайли Ҳурмат Белгиси, Меҳнат Қизил Байроқ ва Октябрь Революцияси орденлари билан тақдирланган. Область коммунистлари унга юксак ишонч билдириб КПСС XXVII съездига делегат қилиб сайлашди.

Куни кеча Жўрахон Эрмонқуловани касбдошлари катта муваффақият билан қизғин табриклашди. Тажрибали соғувчи КПСС XXVII съездига муносиб армуғон ҳозирлади. У сут соғиб олиш бўйича икки ойлик меҳнат топшириғи бажарилганлиги ҳақида рапорт берди.

Суратда: Жўрахон Эрмонқуловани шогирдлари Зарифа Урозова ва Кимёхон Маматқуловалар эришилган муваффақият билан қутлашмоқда.
Р. АШУРОВ фотоси (ЎзТАГ).

ИМКОНИЯТ ИЗЛАШ КЕРАК

Ж. КАМОЛОВ,
Чимбой районидаги механизациялашган кўчма колонна машинист-экскаваторчиси, КПСС XXVII съезди делегати

Ўзбекистон Компартияси XXI съездида Қорақалпоғистонда қўриқ ерлардан олинаётган ҳосил камайиб кетганлиги тўғри таҳлил қилинди. Бу ўз навбатида механизациялашган кўчма колоннамиз коллективи зиммасига ҳам масъулият юклайди.

Шу кунларда КПСС XXVII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада фаол иштирок этяпмиз. Бу эса қўлга киритилган ютуқларимиздан ҳам маълум. Беш йилликнинг якунловчи йилида коллективимиз 3 миллион 625 минг 500 сўмлик иш бажариб, планни 114,2 процент адо этди. Қурилиш-монтаж ишлари ортиғи билан уддаланди. Сув йўллари, коллектор-дренаж тармоқларини кенгайтириш ва тозалашда ғолибликни қўлдан бермай келяпмиз. Шахсий беш йиллик плантопшириқларини адо этаётган ишчилар сафи кунданкунга ўсиб бораётир. Социалистик мусобақада йигирма уч йилдан буён машинист-экскаваторчи бўлиб ишлаётган Бердибек Усмонов, Ортиқбой Оллохбоев, Сифатдин Камоловлар бир неча бор ғолиб чиқдилар. Улар ўзларига биркитилган техникани кўз қорачиғидек асраб-авайлаш билан бирга ёнилғи маҳсулотларини иқтисод қилмоқдалар. Бу эса унумли ишлашга, иш сифатини оширишга имкон бераётир.

Мен 1972 йилдан буён машинист-экскаваторчи бўлиб ишлаяпман. Ўн биринчи беш йилликда Кегайли каналини реконструкция қилиш, Бўзатов районидаги Бўзатов каналини қазиш, «Гигант» чорвачилик комплексига сув йўллари келтириш ишларида қатнашдим. Пландаги 825 минг 600 кубометр ўрнига 1 миллион 191 минг 300 кубометр тупроқ қизиш ишларини бажардим. 2 минг 250 сўмлик турли эҳтиёт қисмлар, 1 минг 550 килограмм ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб қолдим.

Автоном республикамиздаги айрим дренаж коллекторлар шу кун талабларига мутлақо жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам ерлар шўрланиб, ҳосилдорлик йилдан йилга пасайиб бораётир. Чимбой районидаги «Октябрь 40 йиллиги», «Бахтли», «Майёб-2», У. Юсупов номли, «1 Май», Бўзатов районидаги «Қорақалпоқ», «Олғабос» совхозлари ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун кураш олиб боряпмиз. Худди шу ердаги 35 километрли коллектор қурилиши ишлари ғоят чўзилиб кетяпти. Бунинг асосий сабаби нимада? Аввало шуни айтиш керакки, қурилиш раҳбарлари бу иш билан етарли қизиқмаётирлар. Бу ерда 2—3 тагина экскаватор қазиш ишларини олиб боратир. Қўшимча техникалар ажратилмаса қурилиш суръати тезлашиши амримаҳол бўлиб қолаверади.

Ўн иккинчи беш йилликни яхши маром билан бошладик. Ҳар бир кунни зардоб кун деб эълон қилганмиз. КПСС XXVII съезди очиладиган кунгача 45 минг кубометр тупроқ ишларини бажариш билан биринчи квартал план топшириғини адо этмоқчиман. Бу — менинг партиямиз улуғ анжуманига муносиб совғам бўлади.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА — ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон ССР министрликлари, идоралари, Қорақалпоғистон АССР, областлар, Тошкент шаҳри, бирлашмалар ва корхоналар ўртасида ўтказилган республика социалистик мусобақасининг 1985 йил IV квартали якунларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни социалистик мусобақа ғолиблари деб тондилар ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотладилар.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг Оҳангарондаги «Сантехлит» заводи. Бу завод халқ истеъмоли моллари чиқариш планини 126,9 процент ва иш ҳақи фондининг ҳар бир сўмига ҳисоблаганда 120,4 процент бажарган, шунингдек номенклатурадаги товарлар ишлаб чиқариш планини адо этиб, бутун маҳсулот ўсишини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминлаган;

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикаси. Бу фабрика халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш планини 103,4 процент бажариб буюмларнинг 20 та янги турини ўзлаштирган, «Янгилик» индекси қўйилган моллар ишлаб чиқаришни 1984 йилнинг IV кварталига нисбатан 21,3 процент кўпайтирган, савдо ташкилотларига моллар етказиб бериш планини ошириб бажаришга эришган.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг Чустдаги миллий пичоқлар заводи. Бу завод халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни 1984 йилнинг шу давридагига нисбатан 25,5 процент ўстиришга ва иш ҳақи фондининг ҳар бир сўмига ҳисоблаганда 19 процент ўстиришга эришган, маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини ҳам ҳисобга олганда маҳсулот реализация қилиш, шунингдек буюмларнинг янги турларини ўзлаштириш планини бажарган.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Ўзбекистон Карлар жамияти, «Сигнал» илмий, ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг Андижондаги касаначилик фабрикаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳасида яхши ишлаганликлари қайд этилди.

Министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри бир қанча асосий кўрсаткичларни бажармаганликлари учун уларга 1985 йил IV квартали иш якунларига кўра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларини бермасликка қарор қилинди.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ёрдамчи қишлоқ хўжаликларини янада ривожлантириш соҳасида республика министрликлари ва идоралари муайян иш қилаётганликларини таъкидладилар.

Ҳозир министрликлар ва идораларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжаликларида 40,7 минг бош қорамол, 88,7 минг бош чўчқа, 99,3 минг бош қўй ва эчки, 218,2 мингта парранда, 13,9 минг бош қуён боқилмоқда. Бултур бу хўжаликлар 7701 тонна гўшт, 8934 тонна сут, 2 миллион 968 минг дона тухум олдилар. Кўпгина ёрдамчи хўжаликлар меҳнаткашларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашнинг муҳим манбаи бўлиб қолди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика министрликлари ва идораларининг ёрдамчи қишлоқ хўжаликларини ривожлантириш юзасидан 1985 йилги **Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг Намангандаги умумий овқатланиш трести ёрдамчи қишлоқ хўжалиги коллективи.** Бу коллектив 71,4 тонна миқдорда гўшт етиштириш ва реализация қилишни таъминлаган, чўчқалар сонини ўтган йилга нисбатан 10,7 процент оширишга, шунингдек молларнинг ўртача суткалик семиришини кўпайтиришга ва чорва рационидаги концентрат ем улушини камайтиришга эришган;

Сирдарё область Киров номли каналн ишлатиш бошқармасининг механизациялашган кўчма колоннаси ёрдамчи қишлоқ хўжалиги коллективи. Бу коллектив ҳар бир ишловчи ҳисобига 140 килограмм гўшт, 220 килограмм сут, 300 дона тухум етиштиришни таъминлаган ва қорамоллар туёғини 270 бошга, шу жумладан сигирлар туёғини 80 бошга, чўчқаларн 910 бошга, товуқларни 1400 тага етказган.

1985 йилда «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Каршистрой» бошқармаси электр тармоқлари район бошқармасининг, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси Самарқанд бирлашган авиация отрядининг, Ўзбекистон ССР Геология министрлиги «Самаркандгеология» бирлашмасининг ва СССР Минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлиги Олмалиқ химия заводининг ёрдамчи хўжаликларини ва коллективлари ҳам яхши ишлаганликлари қайд этилди.

КПСС XXVII съездига бағишлаб

ЯГОНА ОИЛАДА

20 февраль куни Тошкентдаги СССР Халқлари дўстлиги музейида КПСС XXVII съездига бағишланиб «Ягона оилада» мавзуидаги янги виставка очилди. Виставкадаги экспонатлар Ленин партияси раҳбарлигида коммунизм қурётган мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлигидан яққол далолат беради.

Чор империяси собиқ қолоқ ўлкасининг иқтисодий ва социал жиҳатдан равнақ топишига йўл очиб берган Октябрь революцияси ана шу дўстликнинг сарчашмасидир. Архив ҳужжатлари, революцион, жанговар ва меҳнат ёдгорликлари саноат, фан ва маданиятни ривожлантиришда, қишлоқ хўжалигини индустриялашда рус халқи ва бошқа халқлар ёш Ўзбекистон республикасига берган ёрдамни, Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек халқи ўғлонлари фашист босқинчиларга қарши қандай мардонавор жанг қилганликларини эслатади.

Зилзиладан зарар кўрган Тошкент ва Газлига мамлакатимиз берган ёрдам — шу дўстлик солномасининг ҳаяжонли саҳифаларини ташкил этади. Виставка Москва ва Ленинград, Украина, Белоруссия, Қирғизистон ва бошқа Совет республикалари вакиллари зарбдор меҳнатининг тарихини акс эттиради. Қардош республикаларнинг намояндалари Тошкентнинг ўзидагина 2 миллион квадрат метрдан знёд уй-жой қуриб бердилар.

Экспозициянинг катта бир қисми республикамизнинг бугунги куни тўғрисида ҳикоя қилади. Тенглар ичида тенг бўлган Ўзбекистон Советлар мамлакати барча қардош республикалари билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг минглаб ришталари билан боғланган.

Ишчилар, ижодкор зиёлилар, уруш ва меҳнат ветеранлари виставканинг очилиш маросимига келдилар.

(ЎзТАГ).

КАТТА ИШЛАР ДАВРИ

Ўтган йили марказий матбуотнинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётининг муҳим проблемаларига бағишланган мақолалари киритилган «Жадаллаштириш» тўплами хусусида китобхонлар кўп фикр билдирдилар. КПСС XXVII съезди олдидан «Правда» нашриёти «Жадаллаштириш» китобининг иккинчи нашрини, сиёсий адабиёт нашриёти эса ўша китобни мазмунан тўлдирувчи «Катта ишлар даври» тўпламини тайёрлади. Китобларда партия съездолди ҳужжатларининг умумхалқ муҳокамасига оид материалларга кенг ўрин берилган, унга ишчилар ва колхозчилар, олимлар ва хўжалик раҳбарлари, партия ва совет ходимларининг марказий матбуотда эълон қилинган энг ёрқин фикр-мулоҳазалари киритилган.

Тўпламларда КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми олга сурган социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш концепциясига бағишланган мақолалар катта ўрин олган. Мамлакатда фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришни интенсивлаш доирасида етакчи мавқеларни эгаллаб турган корхоналар коллективларининг тажрибаларини ёритишга катта эътибор берилган. Инсон омилини кучайтириш тўғрисида, тафаккурни, иш ва раҳбарлик методларини қайта қуриш ҳақида, сифатли меҳнат учун, жамиятимиз турмушининг ҳамма жабҳаларида ижодий фаолликни ошириш учун ҳар бир кишининг шахсий масъулияти тўғрисида ошкора, батафсил ва ёрқин фикрлар айтилмоқда.

(ТАСС).

ҚИРҒИЗ ТИЛИДА

ФРУНЗЕ, 21 февраль. (ТАСС). «Қирғизистон» республика нашриёти В. И. Ленин 55 томлик тўла асарлар тўпламининг олтинчи томини қирғиз тилида босмадан чиқарди. Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти нашрни босмага тайёрламоқда.

Тилларда достон бўлган енгилмас армия

Ватанимиз жанубий чегараларининг ҳимоячилари Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни умумхалқ байрамини жанговар ва сиёсий тайёргарликда янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг ҳамма қисмлари ва бўлинмаларида КПСС XXVII съезди шарафига ўтказилган социалистик мусобақа якунланмоқда. Туркистончи жангчилар ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажарганликлари ҳақида, ҳарбий меҳнатда белгиланган марраларга эришганликлари тўғрисида фахрланиб рапорт бермоқдалар. 21 февраль куни Тошкентда Совет Қуролли Кучларининг 68 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда шу ҳақда гапирилди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин очди.

Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари генерал — лейтенант Л. С. Шустко доклад қилди.

Округ жангчилари катта авлодлар жанговар шуҳратининг содиқ ворислари бўлишга, ўзларининг фидокорона меҳнати, ҳарбий бурчни намунали бажаришлари билан жанговар анъаналарни кўпайтиришга ва ривожлантиришга, партия даъвати билан социалистик Ватанни жон-танини аямай мардона, моҳирона, муносиб тарзда ва шараф билан ҳимоя қилишга доимо шай бўлиб туришга интилаётганликлари йиғилишда уқтириб ўтилди.

Йиғилиш қатнашчилари ўз ватанпарварлик бурчига садоқатли туркистончи жангчилар жонажон Коммунистик партия ўртага қўйган вазифаларни бажариш соҳасидаги куч-ғайратларини бундан буён ҳам кўпайтираверадилар, Ер юзида тинчликнинг таянчи бўлмиш севикли Ватаннинг мудофаа қобилиятини сабот билан мустаҳкамлайверадилар, деб таъкидладилар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар қатнашдилар. (ЎзТАГ).

«Совет Ўзбекистони» анкетаси

ЗАФАРЛАРИМИЗ—ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА

МЕҲНАТ—ШОН-ШАРАФ ИШИ

1. Ўн биринчи беш йиллик Сизнинг ҳаётингизда қандай из қолдирди!
2. Сиз беш йилликка нималар бердингиз!
3. Ўн иккинчи беш йилликдаги режаларингиз!
4. Партия съездини қандай кутиб оляпсиз!

«Совет Ўзбекистони» анкетасига Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхознинг звено бошлиғи, Ленин ордени кавалери, қаҳрамон она Доно ҲОЖИЕВА жавоб беради:

1. Заррада қуёш акс этганидек, ҳар бир совет кишисининг жўшқин, сермазмун ҳаётида, меҳнати ва интилишларида бутун мамлакатнинг қалб уриши, давримизнинг қайноқ нафаси мужассамдир. Ютуқларнинг ижодкори — ўзимиз, рўй берган нуқсонлар ҳам ҳар биримизга дахлдор.

Партиямиз бизни ҳамма нарсани ўз номи билан аташга, муваффақиятни-муваффақият, камчиликни-камчилик деб рўй-рост айтишга ўргатяпти. Аввало, Ўн биринчи беш йиллик ҳаётимизда нурли излар қолдирганлигини фахр билан қайд қилишга ҳақлимиз.

Колхозимиз эл хазинасига 45,5 минг тонна, яъни пландагидан 6900 тонна кўп «оқ олтин» етказиб бериб, беш йилда олти йиллик планни бажарди. Шу давр ичида 5380 тонна дон, 8500 тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириб, план ортиғи билан адо этилди. Планга нисбатан 15,4 процент кўп сут, 7,7 процент кўп гўшт тайёрланди.

Эришилган муваффақиятларда ҳар бир колхозчининг, шу жумладан оиламиз аъзоларининг конкрет ҳиссалари бор. Мусобақа илғорларининг меҳнати юксак тақдирланди. Шулар қаторида мен 1982 йилда Октябрь революцияси орденига сазовор бўлдим. Бундан аввал — 1971 йилда Меҳнат Қизил Байроқ, 1973 йилда Ленин орденлари билан мукофотланган эдим. Оддий деҳқон хизматига бу қадар юксак баҳо бизда меҳнат шон-шараф ва қаҳрамонлик иши эканлигидан ёрқин далолат эмасми!

Ютуқлар билан кибрланишга, бир жойда тўхтаб қолишга асос йўқ. Сафимизда қолоқлар, меҳнат интизомини бузувчилар, ножўя хулқ-атвори, қингир ишлари билан эл-юрт шаънига доғ туширувчилар баъзан учраб туради. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан кейин салбий ҳодисаларга қарши кескин кураш бошланди. Пленум кўрсатган йўлни халқимиз қўллаб-қувватлаяпти.

Жамиятимизга ёт иллатларни таг-томири билан тугатиш, муҳитни соғломлаштириш учун курашда коммунистларнинг масъулияти ошиб бормоқда. Мен 1959 йилдан КПСС аъзосиман, бригада партия ташкилоти секретариман. Коллективни ижтимоий бурчга садоқат, салбий ҳодисаларга муросасизлик руҳида тарбиялаш ҳамиша диққат марказимизда.

Ўтган йил фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланди. Партиямиз, давлатимиз халқ бахтини, фарзандларимиз келажагини ўйлаб, бундан кейин уруш бўлмаслиги, тинчлик сақлаб қолиниши учун ҳамма ишни қилмоқдалар. Ўн икки фарзандинг онаси сифатида мен ленинча тинчликсевар сиёсатни собитқадамлик билан амалга ошираётган Коммунистик партияга чин юракдан миннатдорчилигимни изҳор этаман.

2. Ўн биринчи беш йиллик режаларининг рўёбга чиқишига қўшган ҳиссам тўғрисида икки оғиз сўз. Тўрт йил ичида бригада хирмонига 42 тонна «оқ олтин» тўкдим, яъни ҳар мавсумда ўн минг килограммдан ошириб пахта тердим. Ўтган йилнинг бошида пудратчи звенога бошлиқ бўлиб, меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив методида ишлашга ўтдим. Шартномага кўра, 5 гектар майдондан 23 тонна пахта топширишимиз кўзда тутилган эди. Қабул пунктига 32 тонна юқори сифатли пахта топширишга эришдик, ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги 55 центнердан ошди. Келиним Назирахон, ўғлим Ражаббой далада мен билан ёнма-ён ишлаб, хирмонга барака киритишда жонбозлик кўрсатишди.

Пиллачиликка ҳам меҳр қўйганман. Ҳар йили баҳорда ипак қурти боқиб, беш йил ичида Ватанга минг килограммга яқин «кумуш тола» армуғон қилдим, яъни ҳар қути уруғ ҳисобига юз килограммга етказиб пилла топширдим.

Катта хонадонмиз. Ишга қобилиятли ҳамма жамоат меҳнатида фаол қатнашади. Катта қизим Онажон олий маълумотли педагог. Қизларим Ўғилжон, Зуҳра, Бикажонлар ўрта мактабни битириб, далада ва фермада ишлаяпти. Ўғлим Ражаббой колхоз ишлаб чиқаришида, қизим Зулфия биолабораторияда ишлайди, Зулайҳо болалар боғчасида тарбиячи. Кенжа ўғлим Қувондиқ Совет Армияси сафида хизмат қилмоқда. Замира ўтган йили ҳунар-техника билим юртини тамомлаб, механизатор бўлиб етишди. Кичик қизларим Насима, Амина, Кароматлар мактабда билим, тарбия олишяпти. Оиламизнинг ҳар бир аъзоси беш йилликка қурби етганича улушини қўшди.

Мен шогирдларимни фарзандларимдай кўраман. Яқинда КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинган ёш пахтакор Рўзигул Эркаева, коммунистик меҳнат зарбдори Мастон Машариповаларга мураббийлик қилганим беиз кетмади. Район партия комитети аъзоси Зулфия Исмоилова, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети аъзоси Фароғат Машарипова каби кўпгина издошларим билан беҳад фахрланаман.

3. Ўн иккинчи беш йиллик мамлакатнинг иқтисодий-социал ривожланишини жадаллаштиришда янги муҳим босқич бўлади. Биз партиямизнинг съездолди ҳужжатларини ишчанлик, манфаатдорлик вазиятида муҳокама қилиб, келгуси режаларимизни белгилаб олдик. Кўп иш қилишимиз, шитоб билан олға боришимиз керак.

Деҳқончиликнинг, шу жумладан пахтачиликнинг бундан кейинги истиқболи фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга омилкорлик билан жорий қилишга, меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив усулларини дадилроқ қўлланишга боғлиқ. Биз пахтачиликни комплекс механизациялаш, теримни тўла машиналаштириш вазифасини ўз олдимизга қўйдик. Шу мақсадда ерларни текислаш, карталарни йириклаштириш ишлари олиб борилмоқда. Машинасозлардан такомиллашган терим машиналари, гўзага ишлов берадиган, чеканка қиладиган энг қулай механизмлар кутмоқдамиз. Ерларни мелиорациялаш программасини тўла, илмий асосда амалга ошириш вақти келди.

Қишлоқ қурилиши масаласи долзарб вазифа, зарбдор соҳа бўлиб қолди. Қишлоқ Совети депутати сифатида Қорамози участкасида 90 ўринли болалар боғчаси қурилиши ниҳоясига етказилишига эришдим. Мактабгача ёшдаги болалар боғчаяслиларга тўла тортилиши учун болалар муассасалари шохобчаларини янада кенгайтириш талаб этилади. Консерва заводини қуриш ва монтаж қилиш охирига етай деб қолди. Ишлаб чиқариш объектлари ва турар жойлар қурилишини жадаллаштириш, бунинг учун қишлоқ қурилиш ташкилотлари индустриал базасини мустаҳкамлаш масаласини тезроқ ҳал этиш лозим.

Ўн иккинчи беш йилликда звеномизда пахта ҳосилдорлигини 60 центнерга етказиш, планни биринчи сорт ҳисобига бажариш ва бутун ҳосилни машинада теришни мўлжалламоқдамиз. Белгиланган маррани эгаллашда пудрат усули афзалликларидан самарали фойдаланамиз.

4. Жонажон партиямиз XXVII съезди шарафига социалистик мусобақага қўшилиб, Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили мўл ҳосилига ҳар томонлама пухта замин яратмоқдамиз. Ерларни кузда шудгорлаб, қишда икки марта шўр ювиш ўтказилди. Ҳайдов, чопиқ ва трактор транспортлари, плуг ва сеялкалар кўкламга тахт қилиб қўйилди. Дала ишларини зарбдор суръат, юқори сифат билан давом эттириш, кўкламги экишни қисқа муддатда, агротехника талаблари асосида ўтказиш, съезд йилида белгиланган марраларни қолибона эгаллаш йўлида кучғайратимизни аямаймиз.

САЙЛОВЧИЛАР НАКАЗЛАРИНИ БАЖАРИБ

Сурхондарё областидаги партия XXV съезди номли совхознинг бир қанча агроучасткаларида далаларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид ишлар ниҳоясига етказилди. Ерлар баҳорги экиш мавсумига шай турибди. Мелиораторлар отряди қиш ойлари давомида карталарни пухта текислаб, зовур системасини тартибга келтирди. Бу эса ингичка толали пахта ҳосилдорлигини оширишни таъминлаши зарур. Сайловчилар шу совхоз ишчиси Обод Иброҳимовани Шеробод район Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатганларида унга ана шу тадбирларни амалга оширишни жадаллаштириш тўғрисида наказ берган эдилар. Пахтакорларнинг бу истаги амалга оширилди.

О. Иброҳимова ҳамқишлоқларига бошқа бир наказ ҳам бажарилганлиги, совхоз посёлкасида янги амбулатория қурилиши бошлаб юборилганлиги тўғрисида ҳам ҳисоб берди.

Халқ сайлаб қўйган бошқа кўпгина вакиллар — Халач қишлоқ Советининг депутати, Бухоро область Вобкент районидаги Ильичнинг юз йиллиги номли колхоз агрономи Саъди Насруллаев, Андижон область Балиқчи район Советининг депутати, нотўқима материаллар фабрикаси тўқувчиси Маъмура Имомалиева, Учқўрғон шаҳар Советининг депутати, ёғ-экстракция заводининг ишчиси Иброҳим Жўраев, Нукус шаҳар Советининг депутати, Нукус авиакорхонасининг телеграфисти Салтанат Тиништикова, Қашқадарё областидаги Қизилча қишлоқ Советининг депутати, «Ленинизм» совхозининг чўпони Тоштемир Алимов, Хива район Советининг депутати, Ленин номли колхоз тракторчиси Қурамбой Бекчонов, Оғалиқ қишлоқ Советининг депутати, Самарқанд районидаги Куйбишев номли колхоз звено бошлиғи Шариф Бозоров ва бошқалар сайловчилар ҳузурида ҳисобот бердилар.

Халқ вакиллари билан учрашувлар, уларнинг ҳисоботлари эркин, амалий фикрлашув, камчиликларни танқид қилиш, уларни бартараф этиш йўлларини қидириб топиш вазиятида ўтмоқда.

Сўзга чиққан кишилар ҳар бир меҳнат коллективи партия билан давлатнинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрлигига жавобан КПСС XXVII съездини умумхалқ мусобақасини кенг қулоч ёйдириш, янги беш йилликнинг биринчи йилини фидокорона меҳнат, давлат топшириқларини ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш билан кутиб олишга интилмоқдалар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Республика Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди. Унда транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа комиссиясининг Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш соҳасида олиб бораётган ишлари ҳақидаги ахбороти тингланди. Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, Ўн биринчи беш йилликда республикада тармоқни комплекс ривожлантириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Асосий фондлар бирмунча кўпайди, аҳолига кўрсатилаётган хизмат ҳажми кенгаймоқда.

Шу билан бирга алоқа министрлиги, унинг раҳбарлари, коллегия аъзолари тармоққа раҳбарликни давр талаблари асосида қайта қуришни суст амалга оширмоқдалар, алоқачиларнинг кишилар эҳтиёжига расмиятчилик билан, бюрократларча муносабатда бўлишини кўрсатувчи кўпдан кўп фактларга принципиал баҳо бермаётирлар, министрликка бўйсунувчи корхоналар, улар фаолиятини тартибга солувчи нормативлар ва қоидаларни мунтазам равишда бузаётганликларига бепарволик билан қараб келмоқдалар.

Алоқа министрлиги системасида вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан зарур даражада фойдаланилмаяпти. Почта—телеграф, телефон, радио алоқа иши хусусида меҳнаткашлардан кўплаб шикоятлар тушиб турибди. Кўпгина алоқа бўлимлари иши тартибга солинмаганлиги, интизомсизлик кўринишлари, кўп ҳолларда эса алоқа бўлимлари ходимларининг қўполлиги, хат, газета, бошқа корреспонденцияларни етказиб бериш муддатларига риоя қилмаслик, почта жўнатмаларини йўқотиш гражданларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Телефон тармоғининг ривожланиши халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжларидан орқада қолмоқда. Автомат телефон станциялари қуриш планлари қониқарли бажарилмаяпти, мавжуд телефон станциялари қувватларидан эса тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Таксофон хўжалиги ночор аҳволга тушиб қолган. Қишлоқ жойларда радиолаштириш тармоқларини кенгайтириш топшириқлари йилдан йилга бажарилмай қолмоқда.

Почта бўлимларида ва бошқа корхоналарда қўл меҳнати ҳанузгача устунлик қилмоқда, айни пайтда янги техника ва илғор технологияни жорий этиш топшириқлари бажарилмаяпти. Кадрларни танлаш ва жойжойига қўйиш ишида, алоқачилар меҳнатини ташкил этишнинг илғор формаларини, айниқса бригада пудратини жорий этишда, коллективлардаги тарбиявий ишларнинг йўлга қўйилишида жиддий камчиликлар бор.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика Алоқа министрлигига, унга бўйсинувчи органларга аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини қатъиян яхшилаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, топширилган соҳа учун раҳбарларнинг масъулиятини ошириш ва шу асосда алоқа корхоналари ва воситаларининг ишчи Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорлари талаб этаётганидек, юқори даражада бўлишини таъминлашни топширди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, халқ депутатлари область Советларига ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетларига тегишли топшириқлар берилди.

Президиум ёшларни ҳарбий — ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларни СССР Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлашни яхшилаш хусусида Тошкент область ижроия комитетининг иши тўғрисидаги ҳисоботни тинглади. Мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, бошқа ўқув юртларида, корхоналарда, аҳолининг истиқомат жойларида ёш авлодда актив ҳаётий позицияни тарбиялаш юзасидан хилма-хил тадбирлар амалга оширилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Армияга чақирилиш ёшидаги йигитлар зарур қўникма ва маҳоратни эгалламоқдалар. Тошкент областида Совет Армияси сафларига чақирилган ёшларнинг аксарияти ҳарбий бурчини ҳалол бажармоқда, уларнинг баъзилари СССР орден ва медаллари билан мукофотланди.

Президиум республика маҳаллий Советларининг диққат-эътиборини маориф, ҳунар-техника таълими, маданият муассасалари, оммавий ахборот воситаларининг ёшларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида, ҳар қандай вақтда Ватанни ҳимоя қилишга тайёр туриш, «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ ўз бурчини фидокорона бажариш руҳида тарбиялаш соҳасидаги фаолиятини яхшилаш зарурлигига қаратди.

Республика Советларининг ташкилий — оммавий ишларни такомиллаштириш, СССР ва Ўзбекистон ССР давлат мукофотлари билан тақдирлаш ва уларни топшириш борасидаги 1985 йилги фаолиятига якун ясади, шунингдек бошқа масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Социалистик мусобақада қўлга киритилаётган меҳнат зафарларига тажрибали ишчи Худойберген Кўчикбоев бошлиқ бригада ишчилари баракали ҳисса қўшдилар. Зарбдор ўн кунликларда бир неча бор ғолиб чиққан бу коллектив смена топшириғини муттасил ошириб бажаряпти. Съезд очиладиган кунгача бригада ишчилари икки ярим ойлик топшириқни адо этишга бел боғлаганлар.

Суратда: «Чирчиксельмаш» заводининг Х. Кўчикбоев бошлиқ бригадаси ишчилари.

А. Зуфаров фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ А. Ғ. МУХТОРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Матбуотда кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг редактори Ўртоқ Аҳмаджон Ғуломович **Мухторов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри.
1986 йил, 21 февраль.

Чет эллларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

ИСТИҚБОЛГА КОМИЛ ИШОНЧ БИЛАН

● ВАРШАВА

КПССнинг янги таҳрирдаги Программасининг лойиҳаси ПБИП Х съездига тайёргарлик даврида партиямиз учун ишончли босқич бўлиб хизмат қилади, деб ёзади «Тараққиёт ва тинчлик программаси. КПССнинг XXVII съезди» китобида Польша — Совет дўстлиги жамияти бош правлениесининг раиси, «Нове дроги» журналининг бош редактори С. Вроньский, Программа совет коммунистларининг муддаолари, фикр-ўйлари ва орзу-умидларини ифодалайди.

Ленин партияси, деб таъкидлайди автор, ўзининг XXVII съездига тайёргарликни меҳнаткашларнинг юксак активлиги вазиятида ниҳоясига етказмоқда. Асосий съездолди ҳужжатлари, энг аввало КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси умумпартиявий ва умумхалқ муҳокамасининг диққат марказида бўлди. Муҳокама амалий ва ижодкорлик вазиятида ўтди. Буларнинг ҳаммаси КПССнинг муҳим ҳужжатида ўзларининг ўй-фикрлари ва орзу-умидлари акс эттирилганлигини кўриб турган совет кишиларининг ғоят манфаатдорлик ва ташаббускорлигидан далолат беради.

КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасининг Польшада ҳар томонлама ўрганилаётганлиги ПБИПнинг ўз вазифаларини янада аниқ-пухта белгилашига кўмаклашиб, Совет давлати билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга сафарбар этди. Халқ Польшасининг муваффақиятли ривожланиши ва хавфсизлигини бусиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Польша Бирлашган Ишчи партияси КПССнинг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини, СССРнинг кенг кўламдаги ижобий ташаббусларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди. Бу ташаббуслар мустаҳкам тинчлик ва социал тараққиётни таъминлашга қаратилган.

Совет коммунистлари социалистик давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш вазифаларини биринчи ўринга қўйиб, социалистик иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг энг муҳим соҳаларида қардош мамлакатларнинг куч ғайратларини бирлаштиришга алоҳида аҳамият бермоқдалар, деб таъкидлайди С. Вроньский.

● СОФИЯ

Силистрадаги «Стомана» заводининг коллективи КПСС XXVII съезди шарафига ўз зиммасига олган меҳнат мажбуриятини шараф билан бажарди. Ўтган йилнинг охирида, Иваново машинасозлик заводи билан Софияда ги металл қирқиш станок лари комбинати базасида Совет — Болгария ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилган пайтда корхона ходимлари совет коммунистларининг анжумани очиладиган кунгача янги қурилмаларнинг дастлабки туркумини ишлаб чиқаришга сўз берган эдилар. Бу қурилмалар заготовкаларни металл қирқиш станокларига автомат тарзда юбориш ва уларни технология линияси орқали ташишга мўлжалланган. Бугун заводнинг дастлабки маҳсулоти совет ҳамкасбларига жўнатилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган митингда «Стомана» заводининг ишчилари ва мутахассислари СССР билан БХРнинг айрим корхоналари ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожлантирилиши Совет ва Болгар халқлари ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтдилар.

● ХАНОЙ

КПССнинг XXVII съездига бағишланиб бугун бу ерда очилган фотовиставка ВСР пойтахтининг сиёсий ва маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Рангли ва қоронғ суратлар галереяси вьетнамликларни коммунистик қурилишда совет халқи эришган муваффақиятлар билан, Ўн биринчи беш йилликда, съездолди меҳнат вахтасида меҳнат коллективлари қўлга киритган ютуқлар билан таништиради. Фотосуратларда КПСС билан Совет давлатининг бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган ижобий ташаббусларини планета халқлари кенг қўллаб-қувватлаётганлиги акс эттирилган. Экспозициянинг алоҳида бўлими Совет ва Вьетнам халқлари ўртасидаги буюк дўстлик тўғрисида, социализмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда СССР Вьетнамга бераётган ёрдам тўғрисида ҳикоя қилади.

● ЛИМА

КПССнинг бўлажак XXVII съезди социализмни янада ривожлантириш ва коммунизм сари олға қадам ташлашда янги-янги муваффақиятларга эришиш йўлларини белгилаб беради. Перуда чиқадиган нуфузли «Ой» газетаси ўзининг редакцион мақоласида шу ҳақда ёзади. Коммунистик партия билан Совет ҳукумати халқ фаровонлигини тинмай ошира бориб, мамлакат экономикасини принципиал жиҳатдан янги илмий-техникавий ва ташкилий даражага олиб чиқишдан иборат вазифани ўз олдига қўяди, деб ёзади газета. Совет кишилари истиқболга комил ишонч билан назар ташламоқдалар, уларни келгусида янги улуғвор зафарлар кутмоқда, деб таъкидланади мақолада.

(ТАСС).

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНГАНЛИГИНИНГ 65 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА

КОБУЛ. РСФСР билан Афғонистон ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш тўғрисида шартнома имзоланганлигининг 65 йиллиги яқинлашиб келаётганлиги муносабати билан Бахтар агентлиги мухбирлари Афғонистоннинг раҳбар арбоблари билан суҳбатлашди.

Совет ва афғон халқларини ўзаро боғлаб турган дўстлик бузилмасдир, деди АДР Революцион Кенгаши раисининг ўринбосари Х. М. Цамкани. Бу дўстликка улуғ Ленин асос солган эди.

АДРдаги қўпгина муҳим иқтисодий объектлар СССРнинг кўмагида қурилди ва ҳозир ҳам бунёд этилмоқда. Кобулдаги Жангалак авторемонт заводи, Саланг довони орқали ўтган автомобиль йўли, Жалолобод ирригация системаси ва бошқалар шулар жумласидандир. Совет Иттифоқи ғалабаларимизга чет эллардан жиддий хавф вужудга келган пайтда, Апрель революциясини ривожлантириш учун қийин бўлган даврда бизга ёрдам қўлини чўзди. Совет жангчилари ҳозир ҳам ўзларининг интернационал бурчини бажариб, чет эл агрессиясига муваффақиятли қаршилик кўрсатишда афғон халқига ёрдам бермоқдалар, деб уқтирди пировардида Х. М. Цамкани.

1921 йилда РСФСР билан Афғонистон ўртасида дўстлик тўғрисида тузилган шартнома муносабатларимизни ривожлантириш тарихида дастлабки муҳим босқич бўлди, деди АДР Министрлар Кенгаши раисининг ўринбосари. Иқтисодий ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи ҳукуматлараро Совет—Афғонистон доимий комиссиясининг ҳамраиси С. Мангал.

Биз келгуси беш йиллик да СССР билан ҳамкорлик соҳасида катта режаларни белгилаб қўйганмиз, деди С. Мангал.

(ТАСС).

Сифат—коллектив меҳнатининг кўзгуси

ЭГАСИГА ЕТГУНЧА

ТОШКЕНТДАГИ 1-АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИ ВА «МЕБЕЛЬ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ СИФАТЛИ ТАЙЁРЛАНИШИГА БЕФАРҚ ҚАРАЛАЁТГАНИ ХУСУСИДА

Навоий шаҳридаги 34-автобаза ҳайдовчиси Адиқул Холмўминов анча бетоб ётди. Ишга чиққач, ҳамкасблари унга қарийб янги — двигатели капитал ремонтдан чиқаётган машинани беришга қарор қилишди. Ҳайдовчи уларга миннатдорчилик билдирди. Яхшиликни яхши меҳнати билан оқлаш орзусида моторни қаяжонланиб кута бошлади. Орадан кўп ўтмай яп-янги яшикка жойланган мотор ҳам келиб қолди.

Холмўминов кўнгли чоғ бўлиб уни транспортдан туширди. Яшикни очди-ю, ҳангу-манг бўлиб қолди. «Ўзавторемонт»га қарашли Тошкентдаги 1-авторемонт заводи созловчилари ЗИЛ—130 машинасининг 6352 номерли двигателини шундай ғаройиб созлаб юборишибдики, энди уни фақат брак маҳсулотлар музейига қўйиш мумкин эди. Мотор 8 цилиндрининг ҳаммаси дарз кетган, блоклар худди қуроқ дастурхондек бир амаллаб ямалган, валь пробкалари пайвандлаб ташланган, моторнинг ичи қалин занг билан қопланган эди.

— Бундай ҳол биринчи маротаба юз бераётгани йўқ, — дейди автобазанинг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи С. Саидхалилов. — Аввалгилари ҳақида гапирмай қўяқолайлик. Ўтган йили шу заводдан учта созланган мотор олдик. Охиргисининг аҳволини кўриб турибсиз. Қолганлари бунга нисбатан сал тузукроқ бўлганлиги учун бир амаллаб ўзимиз созлаб олдик. Завод раҳбарлари, ишчиларининг ўз ишларига бунчалик масъулиятсиз муносабати бизни жуда ранжитди. Маҳсулотни мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида тайёрлашипти. Ёки улар партия ва ҳукуматимиз ҳамма соҳадаги ишимиз юксак сифатга лойиқ бўлишини талаб қилаётганидан бехабармикинлар?

Афсуски, бу ёлғиз факт эмас. Бу борада Навоий область матлубот жамиятига қарашли хўжалик-қурилиш материаллари улгуржи базаси ходимларидан ҳам бир ҳол сўраб кўринг. Улар юракларида анчадан буён тўпланиб юрган ҳасратларини тўкиб солишиб, бироз енгил тортишади. Негаки, ходимлар мебелсозларнинг брак маҳсулотларини қайтаравериб, жаримани ундириб олгунча қийналавериб зада бўлиб қолишган.

Ўтган йили базага Олмалиқ, Фарғона, Тошкент ва Сергели мебелсозларидан 3110 туркум маҳсулот келган эди. Шундан 997 туркумини брак маҳсулот сифатида ўзларига қайтариб юборишга тўғри келди. Айниқса, Тошкент «Мебель» ишлаб чиқариш бирлашмасидан ўтадигани бўлмаяпти. Бирлашмадан 1985 йилда Навоий областига жўнатилган 909 туркум мебелнинг 795 таси брак чиқди. Корхона ҳисобига 1569 сўм жарима ёзилди. Лекин база ходимлари бу жарималарнинг анча қисмини ундириб ололмай ҳозиргача сарсон бўлиб юришибди.

Тошкент чинниси довруғини ким ҳам эшитмаган. Навоий базасига январь ойида корхонадан 5794 дона чинни буюм келганда харидорларга энг яхши совға бўлади деб қувонишган эди. Афсуски, буларнинг 836 донаси сортини пасайтиришга тўғри келди. Чиннисозлар ўтган йилги планни бажариш учун шошма-шошарлик қилиб, маҳсулот сифатини унутиб қўйишган, чоғи. Лекин бу қимматга тушяпти. Тошкент чинни заводи энди Навоий улгуржи базасига 4483 сўм-у 42 тийин жарима тўлайди. Ҳар қалай шунча жарима завод раҳбарлари, ишчилари ҳамёнидан эмас, давлат ҳисобидан тўланади. Шу сабабли бу факт уларга чивин чақанча ҳам таъсир қилмаяпти.

Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида маҳсулотлар сифатини кескин даражада ошириш вазифалари қўйилган. Ҳақиқатан ҳам маҳсулот сифати — корхонанинг, коллективнинг, ҳар бир ишчининг юз-кўзи. Шундай экан, корхона шарафини ардоқлаш керак. Маҳсулотлар сифатли тайёрланиши юзасидан масъулият ва назоратни кучайтириш зарур.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАБ

СССР Озиқ-овқат программасини бажариш, аҳолини дон маҳсулотлари, жамоат чорвасини концентрат озуқалар билан таъминлаш республика Ғалла маҳсулотлари министрлигининг асосий вазифаси ҳисобланади. Мазкур министрлик тузилиши туфайли ун ва нон маҳсулотлари саноати ўртасида анчадан бери давом этиб келаётган зиддиятларга барҳам берилди. Энди министрлигимиз ун сифатигагина эмас, балки ундан тайёрланадиган нон-булка маҳсулотлари сифатига ҳам масъулдир.

Ҳозир республикамизда «Узхлебпром»нинг 22 корхонаси, 38 та ун-ёрма ва 31 та омихта ем заводлари бор. Министрлик системасига кирувчи бу корхоналар ялпи товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари 14 октябрда ошириб бажардилар. Шу давр мобайнида 161,9 миллион сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Пландан ташқари олинган фойда 14 миллион сўмни ташкил этди.

Капитал маблағларни ўзлаштириш топшириғи ҳам 102 процент адо этилди. Ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга капитал маблағларнинг 21,8 проценти сарфланди ва бу борадаги план 2,8 баравар ошириб бажарилди.

1985 йил ҳам яхши якунланди. Саноат маҳсулотини реализация қилиш плани 104,4 процент уддаланди. Товар маҳсулоти 1984 йилга нисбатан 7 процент, соф норматив маҳсулот ишлаб чиқариш 6,7 процент ўсди.

Халқ истеъмоли моллари тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Бу кўрсаткич бўйича план 103,5 процент адо этилиб, планга қўшимча 17,8 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари етказиб берилди.

Хом ашё, ёнилғи-энергетика ресурсларини иқтисод қилиш бўйича амалга оширилган тадбирлар яхши самара берди. 44 минг тонна дон, 4 миллион 416 киловатт-соат электр энергияси тежалди ва тежалган ана шу ресурслар ҳисобига 3 кун иш бежарилди. Маҳсулот таннархини арзонлаштириш ҳисобига 2,5 миллион сўм иқтисод қилишга эришдик.

Бу муваффақиятларга ишлаб чиқаришни интенсивлаш, меҳнатни илмий ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасини қўллаш, ҳар бир иш жойида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва ҳар бир ходимнинг пировард натижалар учун масъулиятини ошириш орқали эришилди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб, маҳсулот сифатини яхшилаш борасида Тошкентдаги 1-ун, Хонқа шоли тозалаш заводлари, Қува, Оҳангарон ва Ленинск дон маҳсулотлари комбинатлари коллективларининг фаолияти таҳсинга лойиқ.

Шу билан бирга министрлик марказий аппарати, область ишлаб чиқариш бошқармалари ва кўплаб дон маҳсулотлари корхоналари ишида жиддий нуқсонлар бор. Тошкентдаги 11-дон маҳсулотлари комбинатида пландагидан 5,6 минг тонна гуруч кам тайёрланди. Тегирмонларни ўз вақтида ишга тушириш таъминланмаганлиги туфайли Учқўрғон дон маҳсулотлари комбинати давлатга 1,1 миллион сўмлик, Шовот дон қабул қилиш корхонаси 556 минг сўмлик маҳсулот етказиб бермадилар. Ховос, Фарғона ва Каттақўрғон комбинатларида асосий маҳсулот ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш планлари ҳам бажарилмади.

Тўрт комбинатда ишлаб чиқариш суръатининг, бештасида меҳнат унумдорлигининг пасайишига йўл қўйилди. Етти корхонада иш ҳақи фонди мўлжалдагидан ортиқ сарфланди. Айрим коллективларда иш ҳақининг ўсиш суръати меҳнат унумдорлигининг ўсишидан юқори бўлди.

Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳамон барҳам берилмаган. Ўтган йили Госстандарт органлари томонидан 206,1 минг сўмлик маҳсулот — 955 тонна ун, 318 тонна гуруч ва 860 тонна омухта ем реализация ҳажмидан олиб ташланди.

Дон ва тайёр маҳсулотларнинг сифатли сақланишини ташкил этишда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётир. Министрлик аппарати ва область ишлаб чиқариш бошқармалари ходимлари кўпинча дон бузилишининг олдини олиш тадбирларини кўнгилдагидек бажаришмаяпти. Элеватор ва омборларнинг етишмаслиги туфайли доннинг бир қисми очиқ майдончаларда сақланяпти. Айрим масъул ходимлар айби билан маҳсулот реализация қилиш мароми бузилаётир.

1984 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида дон маҳсулотлари зарарланишига қарши кураш ишларининг аҳволи муҳокама қилингач, қатор муҳим тадбирларни амалга оширдик ва бирмунча ижобий натижаларга эришдик. Аммо айрим камчиликларга ҳануз барҳам берилганича йўқ. Жумладан министрлик қарамоғидаги ҳамма корхоналарда ҳам ишониб топширилган моддий бойликларни сақлаш таъминланмаётир. Ўтган йили тармоқдаги 30 та корхонада камомадга йўл қўйилганлиги ва 35 минг сўм пул ортиқча тўланганлиги аниқланди.

Дон ортиладиган вагонлар ўз вақтида тўлдирилмаётганлиги ҳам катта зарар келтираётир. Ҳар бир вагон норида асосий маҳсулот ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш планлари ҳам бажарилмади.

Юк ортиш-туширишда ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли Жомбойдаги комбинат 37 минг сўм, Тошкентдаги 2-дон маҳсулотлари комбинати коллективлари 35,5 минг сўм жарима тўладилар. Автотранспорт ишини ҳисобга олиш ёнилғимойлаш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиш борасида ҳам тартиб ўрнатилмаган.

Иш вақтининг йўқотилиши даражаси ҳамон юқорилигича қолмоқда. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича олиб борилаётган ишларнинг аҳволи қониқарли эмас. Шуни ҳисобга олиб, министрлик томонидан қатор ташкилий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Капитал қурилиш соҳасида анчагина нуқсонлар мавжуд. Асосий фондларни ишга тушириш бўйича ўн биринчи беш йиллик плани бажарилмади. Бу борада бош пудратчи «Спецэлеватормельстрой» трести (бошлиғи Л. Безазиев) бизга панд берди. Мазкур трест қатор йилларидан бери планли объектларнинг бирортасида ҳам пудрат ишлари топшириғини бажармаётир. Натижада ўн биринчи беш йилликда 20 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилмади. Оқолтин, Оқтош, Хонқа ун корхоналарини ишга тушириш муддатлари ўн иккинчи беш йилликка сурилиб қолди.

Биз илгари йўл қўйилган бу хатоларни такрорламаслик, ун-ёрма ва омихта ем тайёрлашни кўпайтириш, маҳсулот сифатини ошириш чораларини кўряпмиз. Ўн иккинчи беш йилликда янги қувватлар қуриш ва мавжудларини кенгайтириш ҳисобига министрликка қарашли корхоналар қуввати 36,4 процент оширилади. Ёрма ишлаб чиқарувчи корхоналар қуввати ва омихта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар қуввати бир мунча ўсади. Бундан ташқари 12 та ишлаб турган корхонани реконструкция қилиш ва юқори унумли ускуналар ўрнатиш ҳамда техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш ҳисобига маҳсулот ҳажмини ошириш, сифатини яхшилаш тадбирлари кўзда тутилмоқда.

1990 йилга бориб, ун ишлаб чиқариш кўпаяди. Бу қардош республикалардан ун келтириш ҳажмини анча камайтириш имконини беради, ортиқча транспорт харажатларига чек қўйиш, темир йўл вагонларини бошқа зарур жойларга бўшатиб бериш имконини яратади. Ун ва ёрма маҳсулотларини кичик ҳажмда қадоқлаш 10 баробар кўпаяди. Унни идишсиз сақлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш 34,5 процент ошади.

Омихта ем ва оқсил-витаминли қўшимчалар ишлаб чиқаришни ўн бир процентдан зиёд ошириш мўлжалланмоқда. Шу беш йилликда Хонқа, Оқолтин ва Оқтош шаҳарларида бир кечакундузлик қуввати юқори бўлган омихта ем заводлари ишга туширилади. Фарғонада кунига 65 тонна нон, Бухорода йилига 10 минг тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган заводлар қуриш кўзда тутилган. Макарон маҳсулотлари тайёрлаш 1985 йилга нисбатан 18 процент оширилади.

Кейинги пайтда министрлик аппарати ишлаб чиқаришни интенсивлаш ва илғор иш усулларини кенг қўлланишга — меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг муҳим йўлларидан бири деб қарамоқда. Эндиликда тармоқ корхоналарида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формаси муваффақиятли жорий этилмоқда. Кўплаб илғор корхоналарнинг тажрибаси бу усулнинг ҳар томонлама афзаллигини кўрсатмоқда.

Олдимизда турган улкан вазифалар ўз вақтида бажарилишига эришиш — одамларга боғлиқ. Инсон омилига эътиборни кучайтириш йўлида аввало меҳнаткашларнинг яшашлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шароитларни яратиш доимо диққат марказимизда бўлади. Ўн биринчи беш йиллик ичида 22 минг квадрат метр, шу жумладан 1985 йилда 7,6 минг квадрат метр уй-жой қуриб фойдаланишга топширилди. 750 ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 102 ўринли ошхона ишга тушди. Ҳозир министрликка қарашли уй-жой фонди 75,4 минг квадрат метрни ташкил этади. 1530 ўринли 7 та ишчилар ва студентлар ётоқхонаси, бир йўла 2110 болани қабул қила оладиган мактабгача тарбия муассасалари бор. Корхоналарда 25 та ошхона, 6 та буфет, 17 та чойхона, 9 та магазин, 18 та медпункт фаолият кўрсатмоқда. Меҳнаткашларнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказиш мақсадида 6 та дам олиш зонаси бунёд этилган.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида келажакда халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини янада тўлароқ қондириш истиқболлари аниқравшан кўрсатиб берилган. Бу ишда министрлигимиз корхоналари коллективлари зиммасида катта бунёдкорлик ишларини бажариш вазифаси турибди. Улар бутун куч ва маҳоратларини ишга солиб, партия режаларини амалга ошириш йўлида ҳалол меҳнат қилаверадилар.

Х. ҚУЙБОҚАРОВ,
Ўзбекистон ССР ғалла маҳсулотлари министри.

• ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

КЎЗБЎЯМАЧИЛИК

ФОТОАЛБОМА

Шеробод район Усмон Юсупов номли совхоз директори Шоди Қаҳҳоров ёки партком секретари Бердимурод Нормуродовдан «Хўжалигингизда қишки дала ишлари қандай кетяпти!» деб сўрасангиз: «Михдай! Ҳамма нарса кўнгилдагидай», деб жавоб беради.

Совхоз раҳбарларининг маълумотлари бўйича, пахта майдонлари тўлиқ шудгор қилиниб, шўри ҳам ювиб бўлинган: кўкламги экиш мавсумига таппа-тайёр. Афсуски, қоғозда ва оғиздагина шундай. Амалда эса, кўзбўямачиликнинг ўзгинаси. Ҳа, ҳа ишонаверинг.

Хўжаликда аксарият пахта майдонлари ҳайдовсиз қолиб кетганлиги маълум бўлди. Шудгор қилинган ерлар ҳам сифатсиз, талабга мутлақо жавоб бермайди: агротехника қоидалари қўпол равишда бузилган. Ўз вақтида ҳайдалиб, шўри ювилмаган, ўғитланмаган ердан мўл ҳосил олиш ҳақида ўйлаб ўтирмаса ҳам бўлади.

Қишлоқ хўжалик техникаларининг ремонти масаласида ҳам ишлар «михдай», лекин фақат оғизда. Сохта маълумотларда хўжаликда техника ремонти аллақачон тугалланиб, баҳорга тахт қилиб қўйилган. Аслида, 27 та тишли, 128 та ғилдиракли трактор, 46 культиватор, 40 дан ортиқ сеялкага ҳануз қўл теккизилмаган. Машина ва механизмлар очиқ ҳавода қолиб кетган. Кўплаб ноёб деталлар қор ва ёмғир остида чириб ётибди. Янгигина келтирилган техника воситаларининг тақдири ҳам ачинарли. Бу ерда техникани асраш ва умрини узайтириш ҳақида қайғурадиган одам йўқми!!

Партия ва ҳукуматимиз, бутун халқимиз сохта шуҳрат дардига мубтало бўлган шахсларга қарши аёвсиз курашаётган бир пайтда, юқорида номи зикр қилинган совхоз раҳбарлари ёлғон маълумотлар юборибми, давлат идораларини, жамоатчиликни алдаш билан шуғулланаётганликларини қандай тушуниш мумкин!!

Суратларда: 1. Келгуси йил мўл ҳосили учун «пухта» замин яратилган пахта майдони. 2. Совхозда қимматбаҳо ва ноёб техникага муносабат мана шундай.

И. Ҳўжаев фотолари. (ЎзТАГ).

ТЕХНИКА ҚАРОВИ ЯХШИ БЎЛСИН

Гулистон район агросаноат бирлашмасининг устахоналари бу ерда ягона инженерлик — техника хизмати тузилганидан сўнг ўз фаолият доирасини анча кенгайтириб юборди. Бу хизмат кундалик техника қаровидан ташқари, ҳамма ремонт ишларини ўз зиммасига олди. Айни вақтда хўжаликларда дала ишларини бажариш учун ўнлаб кишининг қўли бўшади. Корхона техника жиҳатидан қайта жиҳозланмоқда. Чунончи, стандарт андозалардан фойдаланиш натижасида деталларни тиклаш суръатлари анча тезлашди.

Қишлоқ хўжалик техникаси ремонтини ташкил қилишни яхшилаш масалаларига бағишланган республика семинар-кенгашининг қатнашчилари — область ва район агросаноат бирлашмалари раисларининг ўринбосарлари янгиланган устахоналарнинг иши билан қизиқиб танишдилар. Улар Ворошилов ва Сирдарё район агросаноат бирлашмасининг бўлинмаларида ҳам бўлдилар, ўз тажрибаларини ҳамкасблари билан ўртоқлашдилар.

(ЎзТАГ).

НИҚОБЛИ КИШИ

МИРМУҲСИН

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ҲИКОЯ

Кимсановнинг ҳамма билан ош-қатиқ бўлавермаслиги, пурвиқорлигига қарамай барибир у кўплар тасаввурида анча сипо ва камтарин, одамохун кимса ҳисобланарди. Чўнтагига конфет солиб юриб, болаларга улашарди. Нутқи оташин, ҳамма ишлари қўйиб қўйилгандай текис. Отангга раҳмат, ўқиб, хўб мулла бўлган экансан, кам бўлма, дейдиган кексалар ҳам бор. Зал минбаридан сўзлаётган Кимсановга тикилиб, оғзини очиб ўтирадиганлардан бири — анча илгари пенсияга чиққан бўлса ҳам қадрдон ташкилотидан нари кетгиси келмай, комендантлик қилаётган Масодиқ ота эди. «Кимсанов болам ўзи битта, барака топсин» деб, бошлиқнинг гилам поёндозлари устида ғарч-ғурч юришига завқ билан тикиларди. Кишини сўз билан ҳам сеҳрлаш мумкин экан, меҳригиёси борғапнинг очиғи, Кимсановнинг мазмундор нутқлари отани тамомаг мафтун этган эди. Ҳукуматимизнинг таянчи, ишонган кишиси, суянган тоғи... Мана шундай азаматлардир, деб қатъий ишонарди. Яхши ҳам шулар бор. Бой ва аксилинқилобчиларга қарши курашдик, Акмал Икромов, Оҳунбобоевлар даври тушган одам эдик, мана «саксондан сакраб ўтиб» кексалик гаштини суряпмиз. Энди мана бу Кимсановга ўхшаган укаларимга давр келди, улар ишласин, қандини урсин, дерди Масодиқ ота тили тагига нос ташлаб.

Кунлардан бир кун чолу кампир девзирадан ош дамлаб, бир косани Кимсановнинг тушлигига, кабинетига етказишди.

— Илиндим ўғлим. Хушомад деб ўйламанг, пенсионер отангизнинг оши ҳаппа-ҳалол.

— Э, нима қилардингиз, — деди Кимсанов. — кўрган одамлар нима дейди? Ҳеч ким кўрмадими?

— Йўқ. Ахир палов ошку. Ҳиди ҳам келиб турибди...

— Раҳмат, отахон. Мана, халқаро аҳвол ҳам анча мураккаблашиб кетди. Тажовузкор империализм баъзи ерларни бомбардимон қилмоқда. Биз хушёр туришимиз керак. Уйингизда қарта борми?

— Болам, ёзда қази ҳам, қарта ҳам емаган маъқул. Қарта йўқ.

— Мен харитани сўраяпман.

— Э, харитами? Неварамга бериб юборганман.

— Харитага қараб туриш керак. Кампирга ҳам айтиб қўйинг. телевизор кўриб турсинлар. — Кимсанов оқ дастурхонча бағларини очиб, чинни косага босилган ошга қаради. Чол коса ёнига қошиқ ҳам қўйибди. У илжайди. Бафуржа елверинг, дегандек чол чиқиб кетди. Қабулхонадаги секретарь қизга аччиқ чой дамлаб беришини тайинлади.

Шундай қилиб, мана икки йилдирки, Масодиқ ота билан Кимсанов ота-боладек қадрдон бўлиб қолишди. Шундоқ мартабадор одамнинг оддий бир чол билан яқинлашувини камтарлик деб баҳоладилар.

Кунларнинг бирида эрта билан Кимсанов Масодиқ отани ўз кабинетига чақиртирди. Чол кириши билан уни катта ёзув столи олдидаги креслога ўтқазиб, ўзи ҳам жойидан туриб рўвакдек юмшоққина бўлиб, чол рўпарасига чўкди:

— Илтимосим бор эди, йўқ демайсизми отам?

— Марҳамат, Жоним билан. — Масодиқ ота хаёлидан яна бир девзирадан ош дамлаб келасиз-да, оғзимда мазаси қолди, деган гап ўтди.

— Мен бугун тунда сизнинг уйингизда ётиб колдим... Тушундингизми? Ҳозир хотиним сизга телефон қилади. балки келар, шундоқ деб айтинг. Илтимос.

— Келганингиз йўқ-ку, болам?

— Шу гап зарур бўлиб қолди, отам. Кампирга ҳам айтиб қўйинг. Бир сафар суяб юборинглар, бўлмаса балога қоламан. Турмушим бузилади.

— Ёппирай. Шунақами? — чолнинг кўзи ола-кула бўла бошлади, — майли, айтаман келинимга.

Кимсанов бош қимирлатиб, бир муддат сукут сақлаб, «энди чиқиб кетаверинг, сизга жавоб» ишорасини қилди. Масодиқ ота кабинетдан зил-замбил бўлиб чиқди. умрида бировга ёлғон гапирмаган эди. Қаҳрининг ози дори дердилар, ёлғоннинг ҳамози доримикан? Ўртоқ Кимсанов тунда уйига бормаган бўлса қаерда ётиб қолди экан, деган хаёл хира пашшадек чол миясида атрофида айлана бошлади.

Ҳар қалай тўпалоннинг олди олинди.

Чол бу иккиюзламачиликни йиғитликдаги «баъзи нуқсонлар» қаторига қўйди-ю, Кимсановдек садоқатли ва доно одам ҳақида ёмон фикрга бормади. Кўр тутганини, кар эшитганини қўймагандек. ўз фикрини мутлақо ўзгартирмади. Лекин анча вақтгача эзилиб юрди: «инсон ёлғон гапирмаса нима қиларкин?»

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, тунда Масодиқ ота эшигини кимдир тақиллатди. Чол ётган еридан туриб, кийиниб эшик очди. Қандайдир бир нотаниш одам ичкарига кириб, қўлидаги қора дипломат — папкани чолга тутқазиб: «Бу — Кимсанов акамга. Ўзлари сизга бериб қўйишни тайинладилар...» деди. Нотаниш одам шу лаҳза уйдан липпа чиқиб кетди. Масодиқ ота ҳайрон, бу нима экан? Чолу кампирнинг уйқулари ўчиб, дипломат — папкани хонтахта устига қўйиб, азонгача тикилиб чиқишди. Бунинг ичида нима бўлиши мумкин? Очиб кўришни ўзларига эп кўришмади. Эрта билан машина Масодиқ ота эшиги ёнида тўхтаб, Кимсановнинг ўзи силлиқина бўлиб ҳовлига кириб келди. Отанинг кийиниб хонадан чиқишини ҳам кутиб ўтирмай, ичкарига бостириб кирди. Ўзини ўнглаётган кампир ва чол билан тик турганча омонлашиб, тунда таниши олиб келган папкани сандиқ тагига ташлаб қўйишни, бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нима дейиш керак эмаслигини таъкидлади.

— Сизга ишонаман отам. Унинг ичида менинг ноёб ҳужжатларим бор. Рашкчи Гулжаҳон йиртиб-ёқиб юбормасин деб, ошнам орқали сизга юбордим. Ишонаман. сиз садоқатли кишисиз. Уни асраб қўйинг.

— Ҳўп бўлади, ўғлим. Бир оғиз сўзингиз.

У чиқиб кетди. Машина эшиклари қарсиллаб ёпилганию моторнинг гуруллагани ичкари уйга эшитилди.

Чол-кампир бир-бирларига тикилиб, қараб қолишди. Бундан сал олдинроқ. «Мени гўшт комбинатига директор қилишмоқчи. эди, унамаганман», деган гапи ёдларига тушди. «Минбардан яхши гапларни айтиб, жигаримни эзади, буёқдаги ишлари ҳайрону хас қилади» деди чолга тутқазиб: «Бу — чол нос элитгандай гангиб. Бу ўзи нима?..

Фикрлар ғалаёни, шубҳа, чолу кампирни жунбушга солиб. дипломат — папка оғзини очишга мажбур бўлиб қолишди. Очишдию ҳангу-манг бўлишди: папка ичи пачкалик катта пуллар билан лиқ тўла эди... Чолу кампирнинг бирдан ранги ўчиб, юраклари орқасига тортиб кетди. Бу нима... Кимсанов ўзи ким? Папка оғзини қайтадан ёпиб, нариданбери кийиниб, чол кўчага чиқди.

— Бу директор деганингиз Алдар кўсага ўхшай ди-ку? — деди кампир.

— Кошкийди Алдар кўса бўлса. Баттар! Айтиб бўлмайдиган даражада баттар... Мен қари нодон. нима иш қилиб қўйдим? Шунча пул! Бу—пора. Ярамаснинг қармоғига тушиб, қариган чоғимда бадном бўламанми?

Кампир чолининг беўхшов важоҳатидан қўрқиб, ҳозир бир нима бўлиб қолмасин, деб пиёладаги қултум сувга валокардин томиза бошлади.

Масодиқ ота ранги ўчган. тажанг ҳолда папкани кўтариб. кўчага чиқди. Тор кўча билан катта кўча тутташадиган майдончада турган қумушранг машина эшиги очилиб, кўзига таниш роқ бир йигитча отага салом берди.

— Йўл бўлсин, отахон?

— Шуёққа.

— Олиб бориб қўяй, бўшман...

— Майли ўғлим. барака топ. Шошиб кетаётган ота машинанинг орқа эшигини очиб, папка билан инқиллаб ичкарига кирди. Машина юриб кетгач, шофёр орқасига қайрилди:

— Қаёққа олиб борай?

— Мана шу йўл устидаги милиция идорасига.

Машина ғизиллаганча бир неча кўчалардан ўтиб, чолнинг ўзи ишлайдиган идора бўсағасида тўхтади. Йўлкада ғўдайиб тайёр турган Кимсанов машина эшигини очиб. чол қўлидан дипломат папкани олиб, илжайди: «Раҳмат отам. Урунтириб қўйганим учун узр. Машина қайтариб уйингизга олиб бориб қўйсинми ёки қоласизми? «Қоламан.» деди чол кўзларини ола-кула қилиб. Кимсанов кўз қисиб қўлидаги папкани шофёр йигитга тутқазди: «Ҳовлиларини сотмас эканлар, Гулжаҳон опа рози бўлмаптилар. деб эгасига бу пулларни қайтариб бер» —деди чолга эшиттириб.

Машина жўнаб кетгач. Кимсанов ағрайиб. оғзини очиб қолган Масодиқ ота қўлтиғидан олиб, зинапоялардан юқорига кўтарилди, нималарнидир тушунтириб, идорага олиб кирди. Чолни тинчитди. Чол бўшашиб, нима дейишини билмай, тили тагига нос ташлади. Автобусда тиқилиб, тугмаси узилиб юрмай, машинада келганига хурсанд бўлди. Аммо ташвишланиб қолган кампирини кўзи қиймай, тезда уйга қайтди.

Кимсанов ўз ишини осонгина «текислаб юборгани»га ҳам қарамай, чол яна у ёқбу ёққа бормасмикан деб, орқасидан одам қўйди. Бир ой ичида ўзича дафтарига идорадаги беш-олти хизматчининг номини ёзди, турли йўллар билан уларга яхшилиқ қилиб, кўнглини олишни мўлжаллади. Шундай қилди ҳам. Кичкинтойларга конфет, суяги қотган каттароқларига, каттароқ... Тили аччиқ Ойша хола-ю нос элитган Масодиқ отага ҳам паст келиб. ялинқираб юрди.

Мана, орадан йил ўтди. Кимсановнинг патагига қурт тушиб, нотинч юрибди. Нега? Буни ҳеч ким тушунмас эди. Орқа қиладиган суянчиқлар йўқ. Тарвуз кўтариб келадиган ошналар ҳам ғойиб бўлишганди.

Уни прокурор йўқлабди...

Газетхон илҳоми

ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИДА КАРВОН

Олтмиш ёшдан ошган Ўзбекистоним
Истиқбол йўлидан бормоқда илдам,
Ленин таълимоти — йўлчи юлдузнинг
Нуридан баҳраманд, босмоқда қадам.

Ўзбеклар диёри ўз тарихида
Бундайин қудратга эга бўлмаган.
Шаҳар-қишлоқлари, дала, боғлари
Бунчалар ободу, файзга тўлмаган.

Ўзбек хонадони, эл дастурхони
Турмушимиз бунча маъмур бўлмаган.
Меҳнат, ижод, яшаш қулайликлари
Инсонга бунчалар манзур бўлмаган.

Шунчалар юксалиш, зафарларимиз
Доҳиймиз Ленининг даҳосидандир.
Олтмиш йил аввалги аҳду паймонга
Иттифоқ элининг вафосидандир.

Нисбатга олинса бошланғич манзил
Зафар-ла ошилган довонлар бисёр.
Қиёсга олинса кўзланган манзил
Ютуқлар қатори нуқсонлар ҳам бор.

Нуқсонлар бонси — адолатсизлик,
Гоҳида маманлик, гоҳо разолат.
Хешу-ақрабога сийлов, мукофот,
Ҳақгўй ва одилга тазйиқ, ҳақорат.

Нуқсонлар бонси — шахсий манфаат,
Гоҳо тамагирлик, гоҳида ҳийла.
Мол-дунё, лавозим, сохта шуҳрат деб
Юз тусда товланиш айёрлик ила.

Нуқсонлар бонси — лаёқатсизлик,
Гоҳида гумроҳлик, гоҳо ғирромлик.
Мансаб курсисидан нарини кўрмай
Эл-юрт ташвишига боқи-беғамлик...

Номатлуб ишлар-у, ҳижолатликка
Пленум қарори бўлди илк малҳам.
Марказий Комитет кўрган чорадан
Умрбод миннатдор қари ҳам, ёш ҳам.

Иқбол сари жадал бормоқда карвон
Ленинча йўлдан узмасдан кўзин
Мусаффо ҳавода нафасин ростлаб,
Тозалаб занглардан, чанглардан ўзин.

Пўлат ҲАСАНОВ,
техника фанлари доктори, профессор.

Самодаги уй

Кеча Совет Иттифоқида «Мир» орбитал илмий станцияси учирилганлиги ҳақида хабар қилган эдик. Бу янги станция ташқи томондан кўп жиҳати билан «Салют» орбитал станциясига ўхшаб кетади. Бироқ «Мир» самодаги принципиал янги уй бўлиб, учинчи авлод орбитал станцияси, деб аталмоқда. Унда олтита туташтириш узели бўлган янги туташиш системаси бор. У одам бошқарадиган ҳамда илмий ва халқ хўжалик вазифаларини бажаришга ихтисослаштирилган орбитал модуллар ўрнатилган кўп мақсадли доимий ишловчи комплексни барпо қилиш учун база блокидан иборат. Станцияда ҳаракатни, станция ичидаги системалар ва илмий аппаратларнинг ишини замонавий электрон-ҳисоблаш техникаси негизида бошқарувчи жараёнлар максимал даражада автоматлаштирилган. Бундай конструкция киши бошқарадиган парвозларни янада ривожлантириш, космик фазони ўзлаштириш учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

«Мир» станциясида энергия таъминоти системасининг қуввати оширилган. Унинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, станцияда космонавтларнинг ишлаши ва дам олиши учун янада қулай шароитлар яратилган. Масалан, унда экипажнинг ҳар бир аъзоси учун муайян алоҳида каюта ажратилган. Станция ичида ҳарорат 18 дан 28 градусгача бўлади. Хўш, у жуда ям иссиқлик қилмайдими! Йўқ! Станция ичида вентиляторлар мунтазам ишлаб туради.

Ҳозир самода у билан ёнма-ён «Салют-7» орбитал станцияси ҳам парвоз қилмоқда. У фазо эстафетасини янги авлод орбитал станцияларига узатаётгандек. «Мир» («Тинчлик») орбитал станцияси ўз номи билан ҳам, олдига қўйилган вазифаси билан ҳам совет космонавтикаси фақат тинчлик ишига хизмат қилишини яна бир карра кўрсатиб турибди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди шарафига «Мир» орбитал илмий станциясининг учирилиши космик фазони ўзлаштиришда янги қадамдир.

Суратда: парвозни бошқариш марказида.

В. КУЗЬМИН фотоси (ТАСС).



ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЕТИ ИЎЛИДА

ТЕЛЕТАЙП ОРҚАЛИ ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ БИЛАН АЛОҚА

20 февраль куни Ўзбекистон пойтахти халқаро телекс тармоғига уланди. Республика марказий телеграфида 40 номерли «Телекс» алоқа станцияси ишлай бошлади. Халқаро абонент телеграфи хизматидан биринчи бўлиб Швецариянинг «Моранг — Мессеорганизационе» фирмасининг ходимлари баҳраманд бўлдилар. Бу фирма Тошкентда ўтказиладиган «Педиатрия ва акушерлик» халқаро кўргазмасида қатнашишга тайёргарлик кўрмоқда.

Чет эл консулликлари, республикамизнинг турли корхоналарида ўз фирмаларини монтаж қилаётган чет эллик мутахассислар телекс алоқасининг доимий мижозлари бўладилар. Тошкентда қурилган янги станция туфайли эндиликда ана шундай аппаратлар ўрнатилган жаҳондаги ҳар бир шаҳар билан бевосита телетайп орқали боғланиш мумкин.

(ЎзТАГ мухбири).

«АНДИЖОН НИҲОЛИ» АНСАМБЛИ

● **Андижондаги 2511-автоколоннада ташкил этилган бу ансамбль тез танилди. Унинг репертуарида ўзбек, қардош республикалар, чет эл қўшиқлари бор.**

Ғуломжон Туробиддинов, Музаффар Неъматов, Гулнора Қосимова, Тожихон Юнусова ва бошқа ҳаваскорлар ўз қўшиқ ва рақслари билан санъат мухлисларининг олқишига сазовор бўлмоқдалар. Айниқса, Қосимжон Қўчқоровнинг «Она» монологи юқори баҳо олмоқда.

Ансамбль иштирокчиларидан бир группаси касаба союзлари область Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Ансамбль раҳбари Комилжон Нуъмонов эса бадиий ҳаваскорлар Бутуниттифоқ кўригининг лауреати бўлди.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

Самарали меҳнат, соғлом турмуш учун

ЖАМОАТЧИЛИК — КАТТА КУЧ

Кеч кириб қоронғи туша бошлаган эди. Жумабой Мирзаев шерикларига қараб деди:

— Бояги озлик қилди шекилли?! Томоқ қуруғ яна тақиллаяпти. Яна қиттай-қиттай қилмайизми?

— Жон-жон деб ичардимму, — жавоб берди улфатлардан бири. — Магазинчи ҳозир арақ сотмайди-да. Қонун чиққан, ахир.

Жумабой қулиб деди:

— Федченко матлубот жамиятига қарашли анчамунча магазинларнинг сотувчилари сен айтгандақа иннжиқ эмас. Одамгарчиликни билишади. Қани, юринглар!

Жумабой Мирзаев улфатлари А. Умрзоқов, Ш. Ҳамроев билан Федченко матлубот жамиятига қарашли 17-магазинда, ичкиликбозлар таъбири билан айтганда, роса «тортишди». Бир вақт улар Х. Собиров деган кишини кўриб қолишди. Мастларга унинг нимасидир ёқмагандай эди. Оёғида аранг турган Жумабой бегуноҳ одамни ҳақорат қила кетди. Х. Собиров: «Нега мени бекордан-бекорга ҳақорат қиласиз?» — дейишини билади, мушт устига мушт еди...

Албатта, бу иш шундайича қолгани йўқ. Ичкиликбозлик «ташаббускори», шерикларини ҳам йўлдан урган безори Ж. Мирзаев қилмиши учун қаттиқ пушаймон бўлди. «Шу сафар ҳам кечиринглар, энди бу хатони такрорласам, одам эмасман», — деб кўз ёши қилди. Аммо ялиниб-ёлбориш-лар инобатга ўтмади. Халқ суди уни 3 йил озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Муродкўса қишлоғида ҳам худди шунга ўхшаш хунук воқеа содир бўлди. Спиртли ичимликка «тўйиб», ашулани ванг қўйиб келаётган Икром Ортиқов билан Авазбек Муҳамедовлар ёнларидан ўтиб кетаётган Суюнов билан Каримовларни тўхтатиб, ҳақорат қила бошлашди, иккаласига тан жароҳати етказишди. Бу ичкиликка муккадан кетган арақхўрларга жуда қимматга тушди.

Ғарчи нохуш бўлса-да, шунга ўхшаш мисолларни яна қайд этишга тўғри келади. «Москва» колхозининг аъзоси Й. Ражавалиев маст ҳолда Абдусатторов деган кишини пичоқ билан яралади. Э. Каримов, М. Қосимов исмли ичкилик ишқибозлари эса, арақка роса тўйишиб, ўз рафиқаларини калтаклашди. Улар бу қилмишлари учун суд олдида жавоб беришди.

Хўш, бири-биридан хунук бундай воқеалар нега рўй беряпти? Ёмон оқибатларга олиб келаётган ҳодисаларнинг олдини олиш мумкин эмасмиди? Мумкин эди, албатта. Бунинг учун ўтмишнинг энг хунук сарқити бўлмиш ичкиликбозликка қарши яна ҳам кескин ўт очиш керак. Тўғри, партия ва ҳукуматимизнинг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кескин кучайтириш ҳақидаги қароридан сўнг бу ишнинг кўлами кенгайганлиги кўриниб турибди. Лекин фактлар, кузатиш ва текширишлар айрим жойларда ҳамон етарли иш олиб борилмаётганини кўрсатмоқда.

Масалан, Қува шаҳар ижроия комитети ҳузурида ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш комиссияси тузилган. Унинг раиси А. Мамажонов комиссия зиммасига ғоят муҳим вазифалар юкланганлигини, қатъий иш планига ҳам эга эканликларини таъкидлайди. Лекин, шуни очиқ айтиш керакки, текширишда ичкиликбозликка қарши курашда таъсирли тадбирлар амалга оширилмаганлиги маълум бўлди. Хўш, қоғозда қолиб кетадиган тадбирлар кимга керак?

Ана шундай ўзибўларчилик ва бепарволик оқибатида райондаги айрим магазинларнинг ходимлари ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши қонун нормаларини бузмоқдалар. Чунончи, Ҳамза матлубот жамиятига қарашли 3-магазин мудири А. Камолов спиртли ичимлик сотиш учун рухсат берилмаган бўлса-да, арақ, вино сотиш билан мунтазам шуғулланиб келган. Қува шаҳар матлубот жамиятига қарашли 1-, 2-, 9-, 11-магазинларнинг мудирлари Аҳмедов, Ботиров, Топиболдиева, Тўрабоевлар ҳам спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини бузиб келганликларини қандай изоҳласа бўлади?

Шаҳар матлубот жамиятига қарашли 3-магазин мудири А. Жўраев умр мазмунини мўмай пул топишдан иборат деб ҳисоблайдиганлар тоифасидан. У 12-магазин мудири Б. Холиқов билан тил бириктириб, ўз уйларида «қўлбола» арақ тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланиб келган. Нафс қўйига кирган бу шахслар жиноят устида қўлга тушдилар.

Ичкиликбозлик, текин даромад, мол-дунё тўплашга хирс қўйиш каби фактларни бежиз санаб ўтмадик. Хўш, кўнгилсиз, ҳатто, жиноятгача бориб тақалган ана шу воқеа-ҳодисаларнинг олдини олиш мумкинмиди? Агар мутасадди ташкилотлар, жамоатчилик ҳамма жойда профилактик тадбирларни изчиллик билан олиб бориб, тартиббузарларга нисбатан таъсирли чоралар кўрганларида эди, бу хил ташвишли ҳолатлар рўй бермаган бўларди. Афсуски, айни шу масалада тузукроқ иш қилинаётгани йўқ. Юқорида номи қайд этиб ўтилган ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш комиссияси, хусусан, савдо тармоқларида спиртли ичимликлар сотиш қоидаларига қандай амал қилинаётганини деярли текширишдан ўтказмай келганлигини қандай баҳолаш керак?

Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш муваққат тадбир эмас. Қатъият билан муросасиз кураш олиб борилгандагина бу иллатга хотима берилиши мумкин. Қува шаҳри ва район территориясидаги ичкилик дардига чалиниб, махсус ҳисобда турган барча шахсларни наркология кабинетига таклиф этиб, уларнинг ҳаммаси билан якка тартибда суҳбатлар ўтказдик. Бундай кишиларнинг асосий қисми ичкилик ичишни бутунлай ташлаб, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмоқдалар. Уларнинг оилаларида ҳам тинч-тотувлик муҳити вужудга келди.

Оиладаги, шахсий ҳаётдаги бахтсизлик, ғам-ғусса, фалокат, жиноят қилиш, одамларнинг назардан қолиш, ҳуллас, барча иллатларнинг бош сабаби ичкиликбозликдир. Бу оғуга қарши кенг кўламда ўт очилгани яхши самара бера бошлади. Кураш тўхтамай давом этаверади. Бу масалада ҳуқуқ-тартибот органлари, ҳеч шубҳасиз, жамоатчиликнинг актив ёрдамига таянишлари керак. Шундагина ўтмишнинг бу сарқитларидан тезроқ халос бўламиз.

А. МУХТОРОВ, Қува район прокурори.

„ЗАНГОРИ ЭКРАН" ҲАФТАЛИГИ

24 ФЕВРАЛЬ — 2 МАРТ

24 февраль, душанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.50 — Болалар учун фильм. 11.00 — «Саёхатчилар клуби». 12.00 — Мультфильм. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — «Онамларнинг мактаби». 16.40 — Спорт кўрсатуви. 17.25 — Ҳужжатли фильм. 17.55 — Константин Федин. Адабий портрет. 18.45 — «Жадаллаштириш». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Концерт. 19.50 — Енгил атлетика. Европа чемпионати. 20.20 — «Лавозимсиз киши» Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — «Время». 22.00 — Спорт ҳафталиги. 22.30 — Концерт. 23.50 — «Дунё воқеалари».

МОСКВА-II 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 — «Рус тили». 10.55 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11.35 — Музика. 12.05 — «Фан ва турмуш». 13.10 — «Хушёрлик — ҳаёт нормаси». 13.40 — Ўқув кўрсатуви. 14.40 — «Қувайт: фаровонлик панасида». 15.10— А. С. Пушкининг сўнгги кунлари. 16.10 — Биатлон. Жаҳон чемпионати. 16.55 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 19.45 — «Халқаро панорама». 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — «Здоровье». 21.30 — «Время». 22.00 — «Мукофот» . Бадиий фильм. 23.25 — Спидвей. Жаҳон чемпионати.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 —Мультфильм. 8.00 — «Тонгги тароналар». 8.10 — «Оила ва жамият». 8.20 — «Ватанимни шарафлайман». 8.30 — «Ахборот». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Концерт. 19.05 — «Партия билан ҳамнафас». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Тошкент ва тошкентликлар». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Съезддан съездгача». 21.30 — «Время». 22.00 — Концерт.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 17.00 — Москва-II. 17.05 — Болалар учун фильм. 17.15 — Қизиқарли математика. 17.45 — Ҳужжатли фильм. 18.00 — Фильм-концерт. 18.30 — Москва-II.

25 февраль, сешанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Спорт ҳафталиги. 10.15 Ҳужжатли фильм. 10.35 — Концерт. 11.00 — «Биз коммунизм қурамиз». 11.40 — Ҳужжатли фильм. 12.05 — Концерт. 12.50 — **КПСС XXVII съездининг очилиши. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.** 18.20 — «Мандат». Бадиий фильм. 20.00 — «Время». Кўрсатув тугагач—Санъат усталари, Ленин мукофотининг лауреатлари КПСС XXVII съезди делегатларига.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Физика. 10.05 — Француз тили. 10.35—Илмий-оммабоп фильм. 11.00— «Асли болаликдан». 12.05 — Концерт. 12.50— **КПСС XXVII съездининг очилиши. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.** Кўрсатув тугагач, А.Бородиннинг 2-симфонияси. 18.20 — 9-симфония. 19.15 — Ритмик гимнастика. 19.45 — Халқ куйлари. 20.00 — «Время». Кўрсатув тугагач—Поэзия. Спидвей. Жаҳон чемпионати.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Тонгги тароналар». 8.00 — «Пионер телетайпи». 8.10 — Ҳужжатли фильм. 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Ҳужжатли фильм. 12.50 — **Москва. КПСС XXVII съездининг очилиши. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.** 18.25 — Мультфильмлар. 18.40 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — «Ахборот». 19.30 — Концерт. 20.00 — «Время». Кўрсатув тугагач — «Коммунист». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 17.30 — Москва-II. 17.35 — Эстетика асослари. 18.15 — В. И. Ленин ҳақида шеърлар. 18.45 — «Ўзгаларни деб». Бадиий фильм. 20.00 — Москва-II.

26 февраль, чоршанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 10.00 — Концерт. 10.25 — «Лавозимсиз киши». Бадиий фильм. 1-серия. 11.35 — Концерт. 15.00 — **КПСС XXVII съездида.** 15.15 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Халқаро пролетаргимни ҳақида. 16.35 — «Лениндан ўрганамиз». 17.10 — «Рус миниатюралари». 17.30— **КПСС XXVII съездида.** 18.00—Концерт. 18.35 — «Дунё ва ёшлар». 19.10 — «Объективда — Ватан». 18.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Фан ва турмуш». 20.00 — «Лавозимсиз киши». Бадиий фильм. 2- серия. 20.15 **КПСС XXVII съезди кундалиги.** 22.00 — Телеконцерт. 23.00 — Телефильмлар. 23.40 — «Қиш жилолари». 24.00 — «Время».

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — География. 10.05 — Немис тили. 11.05 — «Истеъдод». 11.35 — Музика. 12.05 — Одий-мураккаб ҳақиқатлар. 13.10 — Г. Бакланов. Асарлари саҳифаларида. 14.25 — Илмий-оммабоп видеофильм. 15.25 — «Оилавий турмуш этикаси ва психологияси». 18.30 — Янгиликлар. 18.35 — Ҳужжатли фильм. 18.55 — Мультфильмлар. 19.30 — Қўл тўпи. Жаҳон чемпионати. 20.05 — Концерт. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — «Музикали киоск». 21.15 — **КПСС XXVII съезди кундалиги.** 22.00 — «Ўз ўрнидаги одам». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Тонгги тароналар». 8.00 — «Ижод ва изланиш». 8.20 — «Мактаб ислоҳоти —ҳаётга». 8.30 —«Ахборот». 17.30 — **КПСС XXVII съездида.** 18.05 —Болалар учун кўрсатув. 18.35 — «Агросаноат ва Озиқ-овқат программаси». 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.30— «Партия—галабаларимиз илҳомчиси ва ташкилотчиси». 20.00 — «Ахборот». 20.30 — Ҳужжатли фильм. 20.50 — Ҳужжатли фильм. 21.15 — **КПСС XXVII съезди кундалиги.** 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.55 —Фильм-концерт. 24.00 — «Время».

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 15.55 — Москва-II. 16.00 — «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари». 16.30 — «Адабиёт ва замонавийлик». 17.00 — Ритмик гимнастика. 17.20 — **КПСС XXVII съездига бағишланади.** 17.50 — «Тошкент — нон шаҳри». Бадиий фильм. 18.30 — Москва-II.

27 февраль, пайшанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время» 10.00 — Ҳужжатли фильм. 10.20 — «Лавозимсиз киши». Бадиий фильм. 2-серия. 11.35— «Мўъжизасиз - жўъжизалар». 15.00 — **КПСС XXVII съездида.** 15.15 — Илмий-оммабоп фильм. 15.35 — Концерт. 16.05 — «Ерда, самода ва денгизда». 16.35 — «... 16 ёшгача ва ундан, катталар». 17.20 — Фильм-концерт. 17.30 — **КПСС XXVII съездида.** 18.00 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 —Мультфильмлар. 20.10 — «Лавозимсиз киши». Бадиий фильм. 3-серия. 21.15— **КПСС XXVII съезди кундалиги.** 22.00 — Хоккей. СССР чемпионати. 24.00 — «Время».

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Умумий биология. 10.05 Испан тили. 11.05 — Тарих. 11.35 — Физика. 12.05—«Онамларнинг мактаби». 13.10 — «Старшина». Бадиий фильм. 15.10 — В. Овечкин. Асарлари саҳифаларида. 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Концерт. 19.00 — Тележурнал. 19.30 — Концерт. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — Ритмик гимнастика. 21.15 — **КПСС XXVII съезди кундалиги.** 22.00 — «Комендантлик соати». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 —Мультфильм. 8.00 — «Тонгги тароналар». 8.10 — Беш йиллик одимлари». 8.20 — Ҳужжатли фильм. 8.30 — «Ахборот». 17.30 — **КПСС XXVII съездида.** 18.05 — «Ешлик». 18.40 — Мультфильм. 18.50 — Хизмат кўрсатиш тармоқларининг ишини шу кун талаблари даражасига кўтарайлик. 19.20 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — «Ленинизм — давримизнинг байроғи» 20.00 — «Ахборот». 20.35 — Фильм-концерт. 21.15 —**КПСС XXVII съезди кундалиги.** 22.00 — «Алвидо, ғўр ёшлигим» бадиий фильмининг ижодкорлари билан учрашув. 23.05 — «Мукаррама опа ва қирқ ғўзал». 24.00 — «Время».

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 15.55 — Москва-II. 16.00 — Фильм-концерт. 16.15 — Рус тили. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 17.00 — ЎзССР тарихи. 17.30 — Ҳужжатли фильм. 17.50 — «Беш йиллик бизга — биз беш йилликка». 18.30 — Москва-II.

28 февраль, жума

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 10.00 — Концерт. 10.30 — «Лавозимсиз киши». Бадиий фильм. 3-серия. 11.35 —«Дунё ва ёшлар». 15.00 — **КПСС XXVII съездида.** 15.15 — Ҳужжатли фильм. 15.35 — Болалар учун фильм. 16.50 — Концерт. 17.30 — **КПСС XXVII съездида.** 18.00 — Ҳужжатли фильм. 18.10 — Концерт. 18.35 — Баскетбол. Европа чемпионлари кубоги. 19.15 — Дунё воқеалари». 19.30 — Мультфильмлар. 20.15— «1986 йил қўшиқлари». 20.15— **КПСС XXVII съезди кундалиги.** 22.00 — «Дублёр ишга кириши». Бадиий фильм. 22.30 — «Объективда — Ватан». 23.40 — Телетомошабин ҳамроҳи». 24.00 — «Время».

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Тарих. 10.05 — Инглиз тили. 11.05 — Эстетик тарбия. 11.35 — Ўқув кўрсатуви. 12.05 — «Шахмат мактаби». 13.10 — «Коммунистик партия Манифести»нинг тарихий аҳамияти. 13.40 — Драматургия ва театр. 15.10 — «Бил ва уддала». 18.30 — Янгиликлар. 19.40 — Ҳужжатли фильм. 19.55 — Қўл тўпи. Жаҳон чемпионати. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — Адабий ўқиш. 21.05 — Ҳужжатли фильм. 21.15 — **КПСС XXVII съезди кундалиги.** 22.00 — «Оқшом тароналари». 22.50 — Илмий-оммабоп фильм.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!» 8.00 — «Тонгги тароналар». 8.10 — «Ўринбосарлар улғаймоқда». 8.30—«Ахборот». 17.30 **КПСС XXVII съездида.** 18.05 — «Ленин ҳақида ҳикоялар». 18.15 — «Дала, ҳовли юмушлари». 18.50 — Мультфильм. 19.00 — «Ешлик». 19.30 — **КПСС XXVII съездига бағишланади.** 20.00 —«Ахборот». 20.30 — «Ашула байрами». 21.15 — **КПСС XXVII съезди кундалиги.** 22.00 — «Ашула байрами»нинг давоми. 22.35 — Ҳужжатли фильм. 22.45 — «Ўзгалар бахти». Бадиий фильм. 24.00 — «Время».

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.10 — Москва-II. 16.15 — Болалар учун фильм. 16.00 — Волейбол. СССР чемпионати. 17.00 — «Инсон болаликдан бошланади». 17.40 — Ритмик гимнастика. 18.00 — «Китоб дўстлари». 18.30 — Москва-II.

1 март, шанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 10.05 —«Оддий-мураккаб ҳақиқатлар». 10.35 — Ўқувчилар ижросида совет шоирларининг шеърлари. 10.55 — «Здоровье». 11.40 — Халқ ижодиёти. 12.25 — Ҳужжатли фильм. 12.35 — Концерт. 13.25 — «Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун». 13.55 — Тасвирий санъат. 14.40 — «Давр ва ўзим ҳақимда». 15.00 — **КПСС XXVII съездида.** 15.15 — «Дунё воқеалари». 15.30 — Концерт. 16.10 — Ҳужжатли фильмлар. 16.30 — Ҳайвонот оламида . 17.30 — **КПСС XXVII съездида.** 18.10 — Киноэтюд. 18.15 — «Ҳарбий дала романи». Бадиий фильм. 19.45 — «Шанба оқшомида». 21.15 — **КПСС XXVII съезди кундалиги.** 22.00 —**КПСС XXVII съезди делегатлари ва меҳмонлари учун концерт.** 24.00 — «Время».

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — «Экранда — Сибирь». 9.30 — Ритмик гимнастика. 10.00 — «Тонгги почта». 10.30 «Сиз яратган боғ». 11.00 — «Инсон. Ер. Коинот». 11.45 — «Буюк фидойи». Бадиий фильм. 1-2-серияли. 13.55— Бокс. СССР чемпионати. 14.55 — Ҳужжатли фильмлар. 15.45 — «Кинопанорама». 17.15 — Халқ куйлари. 17.30 — «Объективда — Ватан». 17.35 — Фильм-концерт. 18.45 — А. Твардовский. Поэмалар. 19.15 — Концерт. 19.45 — «Ёзувчи ва ҳаёт». 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — «Стадион ҳамма учун». 21.15 — **КПСС XXVII съезди кундалиги.** 22.00 — Футбол. СССР чемпионати.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар». 8.00 — «Тонгги тароналар». 8.10 — Ҳужжатли фильм. 8.20 — «Ленин ҳақида ҳикоялар». 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Ҳужжатли фильм. 9.00 — «Время». 10.00 — **КПСС XXVII съездига бағишланади.** 11.00 — Ёш олимлар телеклуби. 11.20 — Ҳужжатли фильм. 11.30 — «Футбол чорраҳаларида». 12.05 — «Бойчечак». 12.35 — Ҳужжатли фильм. 12.55 — «Фавқулодда топшириқ». Бадиий фильм. 14.40 — Ҳужжатли фильм. 15.40 — **КПСС XXVII съездида.** 18.15 — «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». 19.15— «Олдинги сафдагилар». 19.30— «Давримиз виждони». 20.00 — «Ахборот». 20.30 — Концерт. 21.15 — **КПСС XXVII съезди кундалиги.** 22.00 — **КПСС XXVII съезди делегатлари ва меҳмонлари учун концерт.**

ТОШКЕНТ-II. 18.00 — Тожикистон телевиденнесининг программаси.

2 март, якшанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 10.00 — Ритмик гимнастика. 10.30 — «Спортлото». 10.40 — Будильник». 11.10 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 12.10 — «Тонгги почта». 12.40 — «Саёҳатчилар клуби». 13.40 — «Музикали киоск». 14.10 — «Қишлоқ янгиликлари». 15.10 — СССР халқ артисти, кинорежиссёр С. А. Герасимовнинг бадиий фильмлари. 16.50 — Концерт. 17.20 — «Хонадонингиздаги гуллар». 17.40 —Халқ куйлари. 17.55 — Мультфильмлар. 18.25 — Музикали фильм. 19.35 — Киноафиша. 20.35 — Фильм-концерт. 21.15 — «Время». 22.00 — «Бизнинг меҳнат ва спортдаги ютуқларимиз — Ватан ва партияга!»

МОСКВА-II. 9.00 — «Зарядкага сафланинг!» 9.20 — Концерт. 9.50 — Ҳужжатли фильм. 10.00 — «Рус тили». 10.30 — «Мўъжизасиз-мўъжизалар» 11.30 — Концерт. 12.15 —Ю. В. Андропов номли «Ростсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари билан учрашув. 14.00 — Бокс. СССР чемпионати. 14.45 — «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». 15.45 — «Достигаев ва бошқалар». Фильм-спектакль. 18.05 Киноконцерт. 19.10 — «Саҳна кўзгуси». 20.25 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.40 — «Дунё ва ёшлар». 21.15 — «Время». 22.00 — «Фидойи аёл». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Тонгги тароналар». 8.00 — Врач маслаҳати. 8.10 — Фильм-концерт. 8.30 — «Ахборот». 8.50— Ҳужжатли фильм. 9.00 — «Время». 10.00 — «Биргалинда куйлаймиз». 10.20 — «Истеъдод». 10.40 — «Тиниқ булоқ». Бадиий фильм. 11.45 — Спорт программаси. 12.55 — «Сеҳрли тўрқовоқ». Қўғирчоқ театри. 13.25 — «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида». 13.55 — М. Горький номли драма театри саҳнасида замонавий мавзудаги асарлар. 18.05 —«Китоб — бизнинг дўстимиз». 18.50 — «Мультипанорама». 19.30 — «Бизнинг ютуқларимиз». 20.00 — «Ахборот». 20.30 — «Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти.

ТОШКЕНТ-II. 18.05 — Қирғизистон телевиденнесининг программаси.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

ЎЗБЕКИСТОН ССР «МЕДИЦИНА» НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ БОСМАДАН ЧИҚАРДИ:

Г. А. СОДИҚОВА. Жисмоний зўриқишларнинг болалар ва ўсмирлар юрак-томирлар системасига таъсири. 44 бет. Баҳоси 10 тийин. (рус тилида).

Рисолада иссиқ иқлим шароитида жисмоний машқларнинг болалар ва ўсмирлар юрак фаолиятига таъсири масалалари ёритилади.

Т. М. КОСТИГОВА, Р. И. РАКИТИНА. Қиз-аёлларимиз соғлом ва латофатли бўлсин. 100 бет. Баҳоси 75 тийин (рус тилида).

Китоб хотин-қизларнинг болалик йилларидан бошлаб ҳамма ёшга доир даврларида саломатлигини мустаҳкамлашдаги жисмоний машқларнинг роли ҳақида ҳикоя қилади.

АВТОРЛАР КОЛЛЕКТИВИ. Инсоннинг вақтни идрок қилиши ва спорт фаолиятида унинг роли. 160 бет. Баҳоси 75 тийин (рус тилида).

Бу китобда инсоннинг вақтни баҳолаш механизмлари ҳақидаги замонавий тушунчалар тўғрисида гап боради.

В. Н. СЕРГЕЕВ. Курорт шарт эмас. 64 бет. Баҳоси 25 тийин (ўзбек тилида).

Китобда отпуска вақти ва дам олиш кунларини қандай мароқли ўтказиш, организмни мустаҳкамлаш ва чиниқтириш учун табиий омиллардан фойдаланиш йўллари кўрсатилади.

АВТОРЛАР КОЛЛЕКТИВИ. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. 120 бет. Баҳоси 15 тийин (ўзбек тилида).

Китобчада атроф-муҳитни ифлосланишдан муҳофаза қилиш масалалари баён этилган.

СПОРТ

СУЗИШ:

ФАХРЛИ ЎРИНЛАР

Ватанимиз пойтахтида ўтказилаётган мамлакат қишки чемпионатида республикамиз сузувчилари муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Чалқанча сузиш бўйича собиқ жаҳон рекордчиси Сергей Заболотнов маҳорат кўрсатиб, мухлисларни мамнун этди. У 200 метрли масофани 2 минут 2,28 секундда сузиб ўтиб, ғалаба қозонди. Эркин сузиш бўйича Дмитрий Паньков маррада иккинчи бўлди. У 400 метрли масофага 3 минут 56,71 секунд сарфлади. Яна бир вакилимиз И. Тишченко эркин сузиш бўйича 100 метрли масофада кучли олтиликдан ўрин олди.

ХОККЕЙ:

ЎЗ МАЙДОНИДА

Тошкентнинг «Бинокор» командаси навбатдаги икки учрашувни ўз майдонида ўтказди. Ярославлнинг «Торпедо» коллективини қабул қилган хоккейчиларимиз бир учрашувда имкониятни (4:6) бой бериб, такрорий ўйинда (3:0) ғалаба қозондилар.

Р. — 08601. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Б. 45. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12